БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО
КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО
СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 124 (11.873)

Сешанба, 30 май, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

Қадрли Никита Сергеевич!

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Президиуми ва Министрлар Совети бизнинг илтимосимизни қўллаб-кувватлаганлигингиз учун ҳамда жаҳонда биринчи космонавт, улуғ Совет Иттифоқининг донг қозонган фарзанди майор Юрий Алексеевич Гагариннинг мамлакатимизда меҳмон бўлганлиги учун коммунистлар ва мамлакатнинг ҳамма меҳнаткашлари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига ва шахсан Сизга, Никита Сергеевич, энг самимий ташаккур изҳор қиладилар. Юрий Гагариннинг ватанимизда бўлиши болгар халқининг Совет Иттифоқи кардош халқларига бўлган чуқур ва муқаддас туйғуларининг ғоят катта, тўлқинлантирувчи намойишига айланди. Шаҳар ва қишлоқлар, корхона ва кооператив хўжаликларнинг меҳнаткашлари, зиёлилар, ўқувчи ва пионерлар қалбида жўш урган ғоят кучли завқ-шавқ туйғулари бузилмас болгар-совет дўстлигининг ажойиб ифодаси бўлди, халқимизнинг Совет Иттифоқи эришган улуғвор ютуқлари учун, Юрий Алексеевич Гагариннинг жасорати учун билдирган миннатдорчилигининг ёрқин далили бўлди. Совет кишиси бизнинг кон-кардош биродаримиз, коммунист ердан биринчи бўлиб парвоз қилиб, инсон бахт-саодати йўлида, тинчлик ва тараққиёт йўлидаги кучли ирода билан коинот сирларини очиб бериш учун космосга учганлигидан бутун болгар халқи бениҳоя қувонмоқда ва фахрланмоқда.

Халқимиз жаҳонда биринчи космонавт тимсолида совет фани ва техникасининг улуғвор ютуқларини, совет халқининг коммунизм қуришдаги улуғвор ғалабаларини шарафламоқда, Совет Иттифоқининг улуғ Коммунистик партиясини ҳамда унинг Сиз, қадрдонимиз Никита Сергеевич бошлиқ ленинчи Марказий Комитетини шарафламоқда.

Яшасин коммунизмнинг илҳомбахш бинокори ва бутун дунёда тинчликнинг қудратли посбони — қаҳрамон совет халқи!

Космосга биринчи бўлиб йўл солган ва бепоён коинотнинг эшикларини очган совет фани ва техникаси арбобларига шон-шарафлар!

Яшасин жаҳон коммунистик ҳаракатининг ҳамма эътироф қилган авангарди — Улуғ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Ҳаётбахш болгар-совет дўстлиги асрлар бўйи яшнасин!

Тодор ЖИВКОВ — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари

Димитр ГАНЕВ — Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси Президиумининг Раиси

Антон ЮГОВ — Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси

СОФИЯ, 1961 йил 27 май.

АРТЕЛЬ УСТАВИ—КОЛХОЗ ҲАЁТИНИНГ БУЗИЛМАС ҚОНУНИ

Социалистик колхоз қишлоғининг азамат меҳнаткашлари зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш билан КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларини амалга оширмоқдалар, партиямиз XXII съездига муносиб совғалар тайёрламоқдалар. Колхоз тузуми уларга бахтли, бадавлат ва маданий ҳаёт учун кенг йўл очиб берди, қишлоқ хўжалигини ҳар тарафлама ривожлантириш учун беҳисоб имкониятлар яратди. Совет давлати колхозларимизни ҳозирги замон техникаси ва илғор қишлоқ хўжалик фани билан қуроллантирди. Январь Пленуми деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари мўл-кўллигини вужудга келтирадиган улуғвор программа белгилади. Қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтириш учун кураш — коммунистик жамият қуришнинг энг муҳим шартидир, деб алоҳида таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг илҳомбахш қарорларидан, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ҳақида партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган буюк ғамхўрликдан руҳланган республикамиз колхозчилари қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин юксалтириш учун курашмоқдалар.

Колхоз ҳаётининг бузилмас ва асосий қонуни — қишлоқ хўжалик артели Уставига қаттиқ риоя қилиш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида янги муваффақиятларга эришиш гарови, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларнинг жамоат бойлигини оширишнинг энг зарур шартидир. Артель Уставида партия ва ҳукуматимизнинг социалистик қурилиш соҳасидаги ленинча сиёсати акс эттирилган, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама кенгайтириш йўллари ва асослари, жамоат манфаати билан колхозчиларнинг шахсий манфаатларини бир-бирига боғлаб олиб бориш, колхозчиларнинг маданияти ва фаровонлигини ошириш йўллари кўрсатиб берилган. Уставга қаттиқ амал қилиб иш кўраётган колхозлар ўз жамоат хўжаликларини тобора ривожлантирмоқдалар, экин майдонларини кенгайтириб, ҳосилни йил сайин оширмоқдалар ва чорва моллар сонини кўпайтирмоқдалар. Бундай хўжаликларда колхоз қишлоғининг маданий қиёфаси ҳам йилдан-йилга ўзгариб бормоқда, янги-янги бинолар — маданият саройлари, клублар, туғруқхона, касалхона, дорихона, мактаб-интернат, болалар муассасалари, колхозчилар учун уйлар қад кўтармоқда, колхоз аъзоларининг маданий турмуши тобора яхшиланиб бормоқда.

Республикамиз партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишини тугатиш учун курашда анча иш қилдилар. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш вазифасини қўйган ҳозирги шароитда бу масалаларга жуда катта аҳамият берилмоқда, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига йўл қўяётган, давлатни, халқни алдаш йўлига ўтиб, кўзбўямачилик қилаётган колхоз раҳбарлари қаттиқ жазоланмоқда.

Тошкент областида қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига йўл қўймаслик ва колхоз демократиясини мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Ҳар кварталда колхозчиларнинг умумий йиғилишида колхоз правлениесининг ҳисоботини эшитиш ва муҳокама қилиш тажрибаси жорий этилмоқда. Яқинда Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозида ана шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Колхозчилар артель раисининг докладини активлик билан муҳокама қилдилар, колхоз раҳбарларининг ишидаги камчиликларни очиб ташлаб фойдали маслаҳатлар бердилар. Йиғилиш чорва молларнинг талон-торож қилинишига ва бошқа жиноий ишларнинг содир бўлишига йўл қўйганлиги учун ревизия комиссиясининг раиси Ҳошимов, бош бухгалтер Ражабов, чорвачилик фермасининг мудири Қорабоевларни ишдан четлаштирди ва колхоз раиси ўртоқ Мергановни қаттиқ огоҳлантирди.

Самарқанд область партия комитетининг пленуми қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш ҳақидаги масалани муҳокама қилиб, жиддий камчиликларни очиб ташлади. Жиззах районидаги Ленин номли, Пойариқ районидаги «Коммунизм», Пастдарғом районидаги Ленин номли, Самарқанд районидаги «Ўзбекистон» ва Киров номли колхозларда бир неча миллион сўмлик жамоат мулки талон-торож қилинган.

Шуни доимо эсда тутиш кераки, жамоат мулки муқаддас ва даҳлсиздир, уни талон-торож қилишга хеч кимнинг ҳақи йўқ! Қишлоқ хўжалик артели Устави колхоз аъзоларидан жамоат мулкини кўз қорачиғидай сақлаш ва қўриқлашни, колхоз бойлигини янада кўпайтириш учун садоқат билан ҳалол меҳнат қилишни талаб этади. Партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари колхоз Уставининг ҳар қандай йўл билан бузилишига қатъий хотима беришлари, колхоз тузумининг ҳаётий негизини ташкил этган жамоат мулкига чанг солувчиларни қаттиқ жазолашлари керак.

Қишлоқ хўжалик артели Устави колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда социалистик принципни белгилаб берди. Уставда: «Артелнинг даромадлари аъзолар ўртасида фақат ҳар бир артель аъзоси ишлаган меҳнат кунлари миқдорига қараб тақсим қилинади» дейилади.

Партия ва ҳукуматимиз ҳам колхозчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш масаласига ҳар доим жуда катта аҳамият бериб келмоқдалар, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тажрибада синаб кўрилган ва пухта ишлаб чиқилган системасига қатъий амал қилишни талаб этмоқдалар. Бироқ, айрим хўжаликларда ҳали ҳам меҳнатга ҳақ тўлаш принципи бузилмоқда. Баъзи бир колхозларда меҳнат кунлари колхоз ишлаб чиқаришига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган шахсларга ёзилмоқда, натура ва пул авансլари ишланган меҳнат кунлари ҳисобга олинмай берилмоқда. Ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳали ҳам кўп. Колхозларнинг маъмурий-идора аппаратларида ортиқча штатларнинг кўпайиб кетишига йўл қўйилмоқда. Ана шулар натижасида айрим колхозларда колхозчиларнинг меҳнат кунларига тўланадиган ҳақ жуда камайиб кетмоқда. Бунга бутунлай чек қўйиш ва колхозчиларнинг меҳнат кунларига ҳақ тўлашда артель Устави талаб қилгандай қатъий тартиб ўрнатиш керак.

Колхознинг ери ва сувидан тўла фойдаланиб коллектив хўжалик ишига ёрдам бермаётган, колхозда ишлашдан бўйин товлаётган текинхўр унсурларга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш билан бирга ҳалол ва фидокорона меҳнат қилаётган колхозчиларни доимо рағбатлантириб туриш, уларнинг меҳнат кунларига ўз вақтида ҳақ тўлаш керак. Колхоз тафтиш комиссиялари колхоз правлениеларининг ишини текшириб, меҳнатни ҳисобга олиш ва ҳақ тўлаш тартибини доимо назорат қилиб туришлари, колхоз жамоат мулкини талон-торож қилиш фактларини ўз вақтида фош қилишлари лозим.

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш соҳасида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш даставвал қишлоқ хўжалик артели Уставининг ҳар бир моддасига қаттиқ риоя қилишга ва уни бажаришга боғлиқдир. Бу Уставга амал қилиб иш кўриш, ҳаёт илгари сурган янги масалаларни оқилона ва тўғри ҳал қилиш, колхоз ишлаб чиқаришини янада юқори босқичга кўтариш — барча партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг энг муҳим вазифаси, партия ва совет раҳбар ходимининг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1961 йил 29 майдаги мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 29 май эрталаб соат 10 да республика Олий Советининг мажлислар залида бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси очилди.

Сессияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари депутат **С. В. Стародубцев** очди. У депутат **Г. А. Габриельянц**га сўз берди. Депутат Г. А. Габриельянц Оқсоқоллар кенгаши номидан депутат Р. Ғ. Ғуломовни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси вазифасидан озод қилиш ҳақида таклиф киритди. Сессия бу таклифни қабул қилади. Депутат Г. А. Габриельянцнинг таклифига мувофиқ, сессия бир овоздан депутат **М. М. Мусахонов**ни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси қилиб сайлайди. Депутат М. М. Мусахонов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси ўрнини олади.

Олий Совет бешинчи сессиядан кейинги даврда сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг ваколатларини текшириш натижалари тўғрисида Мандат комиссияси Раиси депутат **М. Ғ. Ғуломов**нинг докладини тинглади. Олий Совет Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари: 204-Чинобод сайлов округидан сайланган **Г. Ф. Наймушин,** 426-Жарқўрғон сайлов округидан сайланган **Д. Алибоев,** 280-Маркент сайлов округидан сайланган **Б. Раҳимов**ларнинг ваколатларини тўғри деб топишга қарор қилди.

Олий Совет олтинчи сессиянинг қуйидаги кун тартибини бир овоздан тасдиқлади:

1. Ўзбекистон ССРда яна янги ерлар ўзлаштириш, фойдаланилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув билан таъминланишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида (бу масала Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан киритилади);
2. Ўзбекистон ССР Жиноят ва Жиноят-процессуал Кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси томонидан киритилади);
3. Ўзбекистон ССР адвокатураси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида (бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси томонидан киритилади);
4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товловчи ва жамоат учун зарарли текинхўрларча кун кўрувчи шахсларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида (бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади);
5. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР Олий Совети бешинчи ва олтинчи сессиялари ўртасидаги даврда қабул қилган Фармонларини тасдиқлаш (бу масала Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан киритилади).

Шунингдек, бу масалаларни қараб чиқиш тартиби ҳам тасдиқланди.

Сўнгра Олий Совет кун тартибидаги биринчи масалани қараб чиқишга киришди. Республика сув хўжалиги министри депутат **В. А. Билбас**нинг, «Главголодностепстрой» бошлиғи депутат **А. А. Саркисов**нинг докладлари тингланди.

Докладлар юзасидан музокаралар бошланди. Музокарада депутатлардан **Б. У. Усмонов** (Андижон область, Бўз сайлов округи) ва **Ж. Хоназаров** (Қорақалпоғистон АССР, Киров сайлов округи) қатнашдилар.

* * *

29 май соат 16 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи мажлиси бошланди. Мажлисда кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилиш давом этди. Тингланган докладлар юзасидан музокараларда депутатлардан **В. М. Романовский** (Тошкент область, Ўртасарой сайлов округи), **К. Ёқубжонов** (Сурхондарё область, Денов қишлоқ сайлов округи), **А. М. Аракелов** (Самарқанд область, Булунғур сайлов округи), **Б. Д. Коржавин** (Сурхондарё область, Сандал сайлов округи), **К. Камолов** (Қорақалпоғистон АССР, Халқобод сайлов округи), **Ф. Ш. Шамсуддинов** (Фарғона область, Қорабўйин сайлов округи), Бухоро область ижроия комитетининг раиси **Н. Матчонов,** депутат **Э. Исроилова** (Андижон область, Қизил юлдуз сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Кеча сессияда

Етти йиллик ижодкорлари бўлган совет кишиларининг ҳаётида кун сайин ажойиб воқеалар рўй бермоқда. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига умумхалқ мусобақаси узлуксиз авж олмоқда. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўз зафарларини, ижодий ишларини Ленин ташкил этган коммунистлар партиясига бағишламоқдалар. Меҳнаткашлар бу партиянинг доно раҳбарлигида шахдам қадамлар билан порлоқ истиқбол сари олға бормоқдалар.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари тинчлик ва халқлар бахт-саодатини кўзлаб, етти йилликда белгиланган ижодий ишларнинг улуғвор планларини тезликда амалга ошириш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Ер юзида тинчликнинг улуғ курашчиси Никита Сергеевич Хрушчев Совет Иттифоқи ва бутун социалистик лагерь халқларининг барча мамлакатлар халқлари билан дўстликда яшашга, жаҳон урушининг олдини олишга астойдил интилаётганликларини бутун инсониятга яна бир карра изҳор қилмоқ учун Венага жўнаб кетганлиги тўғрисидаги хушхабар ҳар бир совет ватанпарварининг ғайратига янада ғайрат қўшиб юборди.

Партия съездини ўз кучлари гуллаб-яшнаётган ҳолда кутиб олаётган қардош республикаларнинг шодиёна садосида Ўзбекистоннинг меҳнат зафарлари тўғрисидаги рапортлари тобора баралла жаранг ламоқда. Бу йилги ёз ҳар қачонгидан сахий келди. Лекин далаларимиз ёз ҳароратидангина баҳра олмасдан, уларда табиатни ўзига бўйсундираётган кишиларнинг қайноқ меҳнати ҳам жўш урмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун, уч миллион икки юз минг тонна «оқ олтин» етиштириш учун курашда янги марраларни эгалламоқдалар.

Ҳозирги куннинг марралари жуда юксакдир. Аммо, етти йиллик қаҳрамонлари бундан ҳам юксакроқ марраларга назар солмоқдалар. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми илгари сурган проблемаларни амалий суратда ҳал этиб, ҳозирданоқ янги катта вазифаларни амалга оширишга киришдилар. Ҳозирги кунда ирригация масалалари ҳамманинг диққат марказида турибди. Никита Сергеевич Хрушчев Пленумда сўзлаган нутқида бу масалаларнинг муҳим эканлиги тўғрисида эҳтирос билан гапирган эди.

Республикада сув хўжалиги қурилишини янада ривожлантириш истиқболлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг 29 майда очилган олтинчи сессияси муҳокамасига қўйилди. Сессия ишларида депутатлар билан бир қаторда таниқли мутахассис ирригаторлар, янги ерларни ўзлаштирувчилар ҳам қатнашмоқдалар.

Раис столи ёнида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. М. Мусахонов ва унинг ўринбосарлари С. В. Стародубцев, У. Ибодуллаевалар ўтирибдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари М. А. Абдураззоқов, О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Г. Ф. Наймушин, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолигига кандидатлар И. П. Бурмистров, Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, министрлар ҳукумат ложаларидан жой оладилар. Кун тартиби қабул қилинганидан кейин сессия ҳозирги пайтда республиканинг халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган масалалар ҳақида—ирригациянинг аҳволи ва уни ривожлантириш вазифалари тўғрисида республика сув хўжалиги министри В. А. Билбас ва «Главголодностепстрой» бошлиғи А. А. Саркисовнинг докладларини тинглайди. Депутатлар бирин-кетин минбарга чиқадилар. Улар Ўзбекистонда суғориладиган деҳқончиликни янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар борлиги ҳақида гапирадилар, сув хўжалиги қурилиши ишларида мавжуд бўлган камчиликларни танқид қиладилар, ирригация ва мелиорация ишларини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни киритадилар.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

ҚОРАКЎЛ ТЕРИ СОТИШ МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

Сурхондарё областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, давлатга қоракўл тери сотиш юзасидан олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Қоракўл тери топшириш давом этмоқда.

Завод коллективининг ютуғи

Навоий шаҳридаги қурт-уруғи заводи пилла тайёрлаш планини бажарди. 38300 килограмм уруғлик пилла тайёрланди. Завод коллективи пландан ташқари яна икки тонна пилла топширишга сўз берди.

Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг мажлислар залида. И. Глауберзон фотоси.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пилла сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажарганликлари учун қуйидагилар республика **ҲУРМАТ ТАХТАСИ**га ёзиладилар:

УЙЧИ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари **В. Ҳайдаров,** район ижроия комитетининг раиси **А. Зокиров,** район комсомол комитетининг секретари **Б. Турсунов,** район ипакчилик идорасининг мудири **Н. Қосимов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бош инспектори **А. Обилов**);

БЎЗ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари **А. Тожибоев,** район ижроия комитетининг раиси **С. Қамбаров,** район комсомол комитетининг секретари **А. Бакиров,** район ипакчилик идорасининг мудири **А. Нуриддинов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бош инспектори **Ю. Усмонов**).

НОРПОЙ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари **Б. Раҳимов,** район ижроия комитетининг раиси **Х. Тошев,** район комсомол комитетининг секретари **Т. Насриддинов,** район ипакчилик идорасининг мудири **П. Элмуродов,** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш бош инспектори **У. Примов**).

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Украинада бўлиши

КИЕВ, 28 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва бу сафарда унга ҳамроҳ бўлиб бораётган кишилар бугун Венага бора туриб, Украина пойтахти — Киевга келдилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевни Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербицкий ва республиканинг бошқа раҳбарлари, министрлар, СССР ва Украина ССР Олий Советларининг депутатлари кутиб олдилар.

Никита Сергеевич Хрушчев Украина Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбар арбоблари билан биргаликда очиқ машинага тушиб, вокзалдан шаҳар томон йўл олади. Бутун йўл давомида киевликлар Н. С. Хрушчевни қизғин ва самимий табриклаб турдилар.

* * *

КАНЕВ. (Черкасси области), 28 май. (ТАСС). Н. С. Хрушчев Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербицкий ва республиканинг бошқа раҳбарлари, шунингдек, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан биргаликда бугун тушдан кейин Канев районига бориб, у ерда Т. Г. Шевченко қабрини зиёрат қилди.

... Днепр. Бепоён даштлар, Киев ва Черкасси областларининг илонизи йўллари. Украинанинг бу ҳушманзара жойлари ўртоқ Н. С. Хрушчевга яхши таниш. У, урушдан олдинги йилларда ва Улуғ Ватан уруши йилларида, Совет Украинаси учун жанг борган чоқда бу ерларда бўлган эди.

1939 йилнинг тарихий 18 июнь кунида Н. С. Хрушчев Шевченко қабрига ўрнатилган ҳайкал ва хотира музейи очилиши муносабати билан Каневда бўлган тантаналарда ҳозир бўлган эди.

Мана, орадан йигирма икки йил ўтгач, Никита Сергеевич яна Тарас тепалигига келди. У, Украина халқининг буюк фарзандига ўзининг чуқур ҳурматини изҳор этмоқ учун бу ерга келди. Ер шаридаги ҳамма мамлакатларнинг жамоатчилиги Т. Г. Шевченко вафотининг юз йиллигини бу йил нишонлайди.

... Машиналар Чернеча тепалиги томон йўл олади. Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳларини Черкасси области ва Канев районининг раҳбарлари, заповедник-музей ходимлари кутиб оладилар. Болалар меҳмонларга чиройли гулдасталар тақдим қиладилар. Заповедник-музей директори Я. М. Данилов Никита Сергеевичга Т. Г. Шевченконинг барельеф сурати солинган ва кўкракка тақиб юриладиган нишонни тақдим қилади.

Н. С. Хрушчев Тарас тепалигига чиққанда бу ерда ҳозир бўлганлар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар. Украин халқи буюк фарзандининг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсга олмоқ учун бу ерга неча юзлаб кишилар келган эдилар.

Украин тупроғи шоирнинг олижаноб қалбини ўз бағрига олганидан буён орадан кўпгина йиллар ўтди. Замон Днепрнинг мовий тўлқинлари сингари ҳисобсиз ўтиб бормоқда. Аммо, улуғ кўбизчининг номи халқ хотирасида мангу яшаб келмоқда. Буюк кўбизчининг авлодлари янги, эркин оилада яшамоқда.

Тарас давлатни халқ, халқ ҳукумати бошқариши ҳақида бир замонлар орзу қилган эди. Украина халқ куйчисининг ана шу муқаддас орзулари рўёбга чиқди.

Ҳаммага севимли шоир абадий уйқуда ётган қабрга Н. С. Хрушчев янги гуллардан ясалган гулчамбар қўяди. Гулчамбарга ўралган лентада «Буюк украин шоири, революционер-демократ Т. Г. Шевченкога Н. С. Хрушчевдан» деган сўзлар кўзга ташланарди.

Шу топда муқаддас қабр атрофида турган кишиларнинг ҳаммаси украин халқининг буюк фарзандига қизғин муҳаббат ва ҳурмат юзасидан сукут ичида бир дақиқа бошларини эгиб турадилар.

Н. С. Хрушчев республика раҳбарлари билан биргаликда қўрғондаги кенг хиёбон томон йўл олади. Бу ерда у, украин улуғ кўбизчисининг хотираси учун эман дарахтининг кўчатини ўтқазади. Бундан бир ҳафта олдин бу ерда ана шундай кўчатларнинг юз тупи ўтқазилган эди. Йиллар ўтаркан, ана шу эман дарахтлари қудратли Днепр узра шовуллаб, яхшилик, ҳақиқат ва инсон бахтининг буюк жарчисига халқнинг чексиз муҳаббати тўғрисида келажак авлодларга ҳикоя қилади.

Сўнгра Н. С. Хрушчев ўз ҳамроҳлари билан биргаликда заповедник-музейга бориб, Тарас Шевченконинг оғир турмуши ҳақида, унинг ижодиёти ҳақида, рус халқининг энг яхши намояндалари билан алоқаси ҳақида ҳикоя қилувчи жуда кўп экспонатларни кўздан кечиради. Рус халқининг бу намояндалари ҳуқуқсизлик ва чор режимининг даҳшатли йилларида украин шоирига руҳий мадад бера олган эди.

Шевченко юбилейини ўтказиш юзасидан тузилган республика ҳукумат комитетининг раиси шоир Микола Бажан музейнинг ўзида Н. С. Хрушчев, Н. В. Подгорний ва А. А. Громикога Т. Г. Шевченко тасвири солинган юбилей хотира медалини топширди.

Н. С. Хрушчев заповедник-музейдан чиққандан кейин Тарас тепалигига келувчи туристлар учун Днепр дарёси узра қурилган янги меҳмонхонани кўздан кечирди.

Н. С. Хрушчев Украина Коммунистик партияси ва ҳукуматининг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилар билан биргаликда Каневдан Киевга жўнаб кетди.

В. АВРАШОВ,
Д. ДОНСКОЙ.
ТАСС махсус мухбирлари.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети ва Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг таклифига биноан, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги совет делегацияси 29 майда Москвадан Пхеньянга жўнаб кетди.

Делегация составида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. С. Насриддинова, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ю. В. Андропов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси И. И. Тугаринов, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архиповлар бор.

СССРнинг Корея Халқ Демократик Республикасидаги элчиси, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси А. М. Пузанов ҳам делегация составига киради. У делегацияга Пхеньянда қўшилади.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни Н. Г. Игнатов, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, Д. Ф. Устинов, СССР министрлари В. Г. Бакаев, Б. П. Бешчев, В. Ф. Гарбузов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. Н. Шелепин, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари И. Н. Медведев, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. Г. Егоричев, Москва Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. М. Калашников ва бошқалар узатиб қолдилар.

Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Ли Сон Ун ҳам делегация билан бирга Пхеньянга жўнаб кетди.

Аэродромда узатиб қолувчилар орасида Корея Халқ Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчихонаси маслаҳатчиси Пак Док Хва ва элчихона ходимлари ҳам бор эди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

ИРРИГАЦИЯ—МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Ўзбекистон ССР сув хўжалиги министри депутат В. А. БИЛБАС докладидан

Бизнинг партиямиз коммунизмнинг моддий-техника базасини тезроқ вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1953 йилги сентябрь Пленумидан кейинги вақт ичида қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Партиямиз Марказий Комитети Президиуми ва Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада зўр куч билан юксалтириш, унинг ҳамма ресурсларидан тағин ҳам яхшироқ фойдаланиш учун янгидан-янги имкониятларни ишга солиш йўлида тинмай иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ва мамлакатимизнинг бошқа пахтакор республикалари пахтадан жаҳонда энг юқори ҳосил олмоқдалар, саноатни ана шу қимматли тўқимачилик хомашёси билан таъминлаш вазифасини гўшт, сут, жун, қоракўл тери, пилла ва бошқа энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бирга қўшиб ҳал қилмоқдалар. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қишлоқ хўжалигини табиатнинг инжиқликларидан халос қилиш ва муттасил мўл ҳосил етиштириш ишида суғориладиган деҳқончиликнинг аҳамияти тўғрисида, пахтачиликнинг аҳамияти ва пахтачиликни янада ривожлантирмоқ учун зарур шарт-шароитни вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида айтган сўзларини ҳаммамиз партиямизнинг ва партиямиз Марказий Комитетининг донишмандлигини ифодаловчи кўрсатмалар деб зўр хурсандлик ва ифтихор ҳислари билан қабул қилдик. Никита Сергеевичнинг КПСС Марказий Комитети январь Пленумида ирригацияни деҳқонлар қадим вақтлардан бери орзу қилиб келганлари ва бу орзу эндиликда амалга оширилаётганлиги ҳақида, ирригация қишлоқ хўжалигини тағин ҳам интенсив усулда олиб бориш йўлида янги қадам қўйишимизга имкон бериши, ирригацияга доир кенг программа катта истиқболга эга эканлиги, миллион гектарлаб ерларни суғориш ва сув билан таъминлаш ҳар қандай обҳаво шароитида мўл ҳосил олишнинг ишончли воситаси эканлиги тўғрисидаги гаплари илҳомбахш сўзлар бўлди.

Ўзбекистон шароитида пахтачиликни, дон етиштиришни ва чорвачиликни янада юксалтириш суғориладиган ер майдонларини кўпайтиришнигина эмас, балки сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштиришни, шунингдек ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашни ҳам талаб қилади. Пленумнинг тарихий қарорларига мувофиқ, бу тадбирлар тобора тез суръатлар билан амалга оширилиши лозим. Шунинг учун ҳам республика Сув хўжалиги министрлиги бўйича шу йил учун ажратилган капитал маблағ ҳажми кўпайтирилди ва ҳозирги вақтда етти йиллик планнинг контрол рақамларида 1961 йил учун белгиланган миқдорнинг 141 процентини ташкил қилади. Яқин икки йил ичида эса фақат министрлик системасининг ўзида сув хўжалигидаги қурилиш ишларига сарфланадиган маблағнинг ҳажми 130-150 миллион сўмга етказилади.

Суғориладиган ер майдонлари 1958 йилдагига нисбатан 30.8 процент кўпаяди, бу эса илмий асосга қурилган пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш йўлида янги қадамлар қўйишга имкон беради. Ҳозирги вақтда суви етарли бўлмаган 500 минг гектардан кўпроқ ер майдонлари сув билан нормал таъминланган бўлади. Шунингдек, суғорилаётган 600 минг гектардан кўпроқ ернинг мелиорация ҳолатини яхшилаш тадбирларини амалга ошириш мўлжалланади. Катта сув омборлари қуриш, катта ариқларнинг сувини кўпайтириш, янги каналлар қуриш, машина билан суғориш системаларини ўрнатиш, сув тўплайдиган ва сув тақсимлайдиган иншоотларни қуриш соҳасида жуда катта ишларни бажариш кўзда тутилади. Ана шу ишлар натижасида яқин 4-5 йил ичида республика сув хўжалиги ниҳоят даражада юксалиб, пахтачиликни ривожлантириш учун янги имкониятлар вужудга келтиради.

Докладчи республиканинг турли районларида ирригацияни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида батафсил гапиради. Тошкент областида етти йиллик ичида Мирзачўл ва Далварзиннинг мавжуд барча сув хўжалик системалари батамом реконструкция қилинади. Тошкент каналини реконструкция қилиш ва Чирчиқ—Оҳангарон водийсидаги бутун ирригация системасини қайта қуриш ишлари тамомланади. Чорвоқ сув омборини қуриш ва Чирчиқ дарёсидаги Қўйлиқ гидроузелини қуриш натижасида Чирчиқ сувининг оқимини тартибга солиш таъминланади, иншоотларнинг тошқин сувларидан зарар кўриши ва бузилиши тугатилади, областдаги суғориладиган ерларнинг ҳаммаси сув билан ҳамиша тўлиқ қондириладиган бўлиб қолади.

Фарғона водийсида Марказий Фарғонадаги 173 минг гектар ерни ўзлаштириш мақсадида Фарғона ва Андижон областлари меҳнаткашларининг кучи билан жуда катта ва мураккаб ишлар амалга оширилади. Революциядан олдинги вақтда бу ерда сел ва тошқин сувлари келтирадиган офатлар рўй бериб, катта-катта ботқоқликлар ва бир қанча қум уюмлари кўпайиб кетган эди. Тўқайзорлар ва сассиқ кўлмак сувлар тўпланиб қолган ерлар кўпайиб кетган эди. 1930 йилларнинг охирида Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали ва Шимолий Фарғона канали қурилди. Шу каналлар қурилгандан кейин турли дарёларнинг сувларини тартибга солиш ва уларнинг сув ресурсларини қайта тақсимлаш вазифаси ҳал қилинди. Фарғона водийсида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва бу водийни Совет Иттифоқининг пахта конига айлантириш учун катта истиқбол очилди.

Ўз кучига астойдил ишонган ва биринчи беш йилликлар топшириқларнинг улуғворлигидан илҳомланган юз минглаб деҳқонлар қўлларига кетмон олиб, бу қийин вазифаларни нақадар зўр иштиёқ билан ҳал қилганликлари ҳали ҳам ҳаммамизнинг эсимизда. Уларнинг қаҳрамонона ғайрати туфайли шартли суғориладиган ва қўриқ ерларнинг катта майдонлари экинзорларга айлантирилиб, ердан фойдаланишнинг партов системасига хотима берилди. 1953 йилда Марказий Фарғонадаги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун колхозчиларнинг ташаббуси билан янги катта ҳужум бошланди, бу ташаббусни партия ва ҳукумат қўллаб-қувватлади. Маълумки, ҳозир бу ерда ботқоқликлар қолгани йўқ. Сизот сувларини чиқариб юборадиган зовурлар вужудга келтирилди, ер ости сувлари анча пасайиб кетди, яхши асфальтланган йўллар, сувга мўл каналлар қурилди, энг яхши техника билан таъминланган яхши қурилиш ташкилотлари вужудга келтирилди. Ерларнинг шўрини йўқотиш учун ва қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар олдида турган бошқа қийинчиликларни енгиш учун муваффақиятли кураш олиб борилмоқда.

Фарғона водийсидаги бошқа районларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Каркидон сув омборини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Кампирровот, Заркент сув омборларини қуриш учун, Косонсой сув омборини реконструкция қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Кўпгина каналларга бетон ётқизилмоқда, бу эса сувнинг ерга сингиб кетишига ва исроф бўлишига барҳам беради. Қорадарё, Норин ва Сирдарё ҳавзаларининг қайир ерларида ер ости сувларини пасайтиришни таъминлайдиган катта ишлар бажарилади.

Зарафшон водийсида, Самарқанд ва Бухоро областлари территориясида суғориладиган ерларни кенгайтириш учун катта имкониятлар бор. Аму—Қоракўл канали қурилмоқда. Бу канал Амударёнинг сувини водийнинг этагида юқори кўтаради. Каттақўрғон сув омборини кенгайтиришга тайёргарлик ишлари тугалланмоқда, бу омборнинг ҳажми ярим баравар ошади. Зарафшон дарёсининг юқори ва қуйи қисмида янги узеллар қурилади ва Дарғом сув тракти реконструкция қилинади. Бунинг натижасида 67 минг гектар ер оборотга киритилади.

Сурхондарё областида йирик Чимқўрғон ва Жанубий Сурхон сув омборлари қурилмоқда. Келгуси йилдан бошлаб Пачкамар сув омбори қурила бошланади. Ана шу тадбирлар туфайли етти йиллик давомида 150 минг гектарга яқин унумдор ерларни ўзлаштириш имконияти туғилади. Қудратли Амударё суви Қарши даштининг бепоён ерларига етказиб бериладиган пайт яқинлашмоқда. Газ электростанциялари ва кучли ГЭСлар машина ёрдамида суғориш учун керакли электр энергияни етказиб беради. Бу станциялар қурилаётир

Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССР пахта, шоли ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олиш учун катта имкониятларга эга. Амударёнинг жуда катта сув ресурсларидан ҳали ҳам ғоят кам фойдаланилмоқда. Бу дарёнинг ўзига хос режими сув тўплашда қийинчиликлар туғдирмоқда. Тахиатош ва Туямўйин сув узелларини қуришга мумкин қадар тезроқ киришиш зарур. Бу узелларни қуриш учун ҳозироқ лойиҳа ишлари олиб борилмоқда, уни қуриш эса яқин кундаги вазифа бўлиб қолмоқда.

Кўл коллекторининг, сув чиқариб юборадиган Дарёлик трактининг вужудга келтирилиши Хоразм областидаги ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилашни таъминлайди. Етти йиллик планда Хоразм ва Қорақалпоғистонда тўртта йирик суғориш системаларининг лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан Тошсоқка, Пахтаарна, Қизкеткан суғориш системаларини ва Ленин номидаги канал лойиҳасини ишлаб чиқиш кўзда тутилади. Равшан ярмогининг сувидан фойдаланиш асосида суғоришни ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилади, бу эса шоликор ерларни кўпайтириш, яйловларни сув билан таъминлаш, Орол денгизида балиқчиликни ривожлантириш учун ундаги сувнинг шўрини кетказиш проблемаларини комплекс равишда ҳал этиш имконини беради.

Қоракўлчиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш биринчи навбатда чўллардаги яйловларни сув билан таъминлаш ва ўзлаштириш суръатларини ва даражасини оширишга боғлиқдир. Ирригация туфайли қоракўлчилик янада ривожлантирилади. Республикада мол боқиш учун фойдаланилаётган қарийб 27 миллион гектар табиий яйловларнинг деярли 21,5 миллион гектари қоракўлчиликка тўғри келади. Бундан қарийб 18 миллион гектари етти йиллик бошланишига қадар сув билан таъминланди. Етти йиллик планда яна олти миллион гектарга яқин янги яйловларни ўзлаштириш кўзда тутилади. 1961-1965 йилларда 4,4 миллион гектар янги яйловларни сув билан таъминлаш, 9.4 миллион гектар эски яйловлардаги мол суғориш иншоотларини реконструкция қилиш, ўзлаштирилган яйловлардаги 8717 гектар ерни артезиан қудуқларнинг суви билан суғориш вазифаси турибди.

Сув хўжалик қурилиши соҳасида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг ҳажми нақадар катта эканлигини қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди: кейинги ўн йил ичида республикада шу мақсадлар учун икки миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди, яқин тўрт йил ичида эса олти миллиард сўмдан ортиқ (нархларнинг эски миқёсида) маблағ сарфланади. Бу социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда шундай давр келганлигини кўрсатадики, эндиликда ирригация масалалари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтиришнинг туб масалаларини ҳал қилишда тобора катта ва муҳим ўрин олмоқда.

Владимир Ильич Ленин чор Россиясининг Шарқдаги чекка ўлкаларида барпо этилган республикалар Шарқда социализм машъали бўлиб қолади, деб кўрсатган эди. Ирригацияни ривожлантиришга жуда катта маблағлар сарфланганлиги шу асосда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар вужудга келтирилганлиги — Осиё ва Африкада мустамлакачиликдан халос бўлаётган халқлар ўз тараққиётида босиб ўтиши лозим бўлган йўлнинг яққол намунасидир.

Мўлжалланган иншоотларнинг мумкин қадар қисқа муддат ичида қурилиб битказилишига, сув хўжалиги қурилишига сарфланган катта маблағларнинг мумкин қадар тезроқ самара беришига эришиш зарур. Бунинг учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин ўтган вақт ичида республика сув хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Ўтган йил Ўзбекистонда амалга оширилган ҳажмдаги ер қазиш ишларини қўл билан бажариш лозим бўлганида эди, бунинг учун уч юз мингдан ортиқ киши талаб қилинган бўлур эди. Лекин партия ва ҳукумат сув хўжалиги ходимларини энг юқори унум билан ишлайдиган жуда хилма-хил техника билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилдилар. Ҳозирги вақтда Сув хўжалиги министрлиги ихтиёрида ҳар хил маркали тўққиз юзтага яқин экскаватор, беш юзтадан кўпроқ бульдозер ва тахминан шунча скрепер ҳамда землесос бор.

Ер қазиш ишларини механизациялаш проблемасини ҳал этишда машина-экскаватор станциялари муҳим роль ўйнади. Ҳозирги вақтда кучли техника ёрдами билан бажариш мумкин бўлмаган иш йўқ. Тажрибали механизатор кадрлар ҳам етишиб чиқди. Донгдор экскаватор машинистлари Иброҳим Ваапов, Машраб Раҳимқулов, Фирдавс Жабборов ва бошқа илғор механизаторлар ўз нормаларини ой сайин бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар. Машинист Михаил Довбня партиянинг XXII съезди очилишигача икки йиллик планни бажаришга ваъда берди.

Машиналарнинг техника жиҳатидан шай бўлиб туришини таъминлаш масаласига, уларнинг ишламай турган вақтини камайтиришга катта эътибор берилмоқда. Экскаваторларни ремонт қилишда узел методини оммавий равишда қўллаш яхши натижа берди. Бизнинг таянч экскаватор-ремонт заводларимиз бу ишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Тез орада ҳар бир машинани капитал ремонт қилиш ишлари барвақт бажариладиган бўлиб қолади, ремонт қилиш иши эса монтаж қилиш операциясига айлантириладиган пайт келади деб умид қилиш керак. Бунинг учун катта ва кичик мастерскойларнинг ҳаммасини етарли миқдорда станок ускуналари билан таъминлаш, машиналар учун запас қисмларни ва машиналарни кўпроқ миқдорларда олиб туриш керак.

Ирригация қурилиши кучли индустриал базага эга бўлиши керак. Йиғма темир-бетон асосий материал бўлиб қолиши лозим. Йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарадиган полигонлар ва йирик заводлар қуришда республика Давлат план комиссияси сув хўжалиги ходимларига катта ёрдам кўрсатиши лозим. Сопол қувурлар, деворбоп материаллар ишлаб чиқарадиган заводларни ва ёғочсозлик заводларини ҳам қуриш керак. Махсус Ирригация приборсозлиги корхонасининг қурилиши телемеханика ва автоматика воситаларини кенг қўлланишга ёрдам беради. Бу корхонани қуришга ҳозирдаёқ киришилди.

Ҳозирги пайтда лойиҳалаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш масалалари айниқса катта аҳамиятга эга. Бир қанча областларда лойиҳалаш институтларининг филиалларини ва экспедицияларини ташкил этиш бу масалаларни қисқа муддат ичида ҳал қилишга ёрдам берган бўлур эди. Йирик илмий-тадқиқот муассасасини министрлик қарамоғига топшириш зарурати туғилди.

Сув хўжалиги қурилишини тез суръатлар билан ривожлантириш масаласи келгусида ҳал қилинадиган масала бўлиб қолмай, ҳозирги куннинг ҳам вазифасидир. Жорий планларнинг ҳаммасини сўзсиз бажариш, партиянинг XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш келгусидаги ҳамма муваффақиятларимизнинг зарур шартидир.

Шу йилнинг дастлабки тўрт ойи ичида қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми бирмунча ошириб бажарилди. Бироқ, бу кўрсаткичлар билан чекланиб қолиш ярамайди. Шуни ҳисобга олиш керакки, бир қанча муҳим объектлар бўйича қурилиш планлари бажарилмаётир. Тошкент канали зонасида янги ерларни экишга тайёрлаш соҳасида ташвишли аҳвол вужудга келди. Туябўғиз сув омборининг қурувчилари йиғма темир-бетон конструкциялар заводи қурилишини кечиктирмоқдалар. Фарғона ва Андижон областларида янги ерларни ўзлаштирувчилар, Каркидон сув омбори қурувчилари иш суръатларини тезлаштиришлари лозим. Биринчи Май тўғонини ва Дарғом каналини, шунингдек Самарқанд областидаги Каттақўрғон сув омборининг каналини реконструкциялаш ишлари кечиктирилмоқда. Бухоро, Сурхондарё ва айниқса Хоразм областларида қурувчилар ишларни белгиланган муддатларда бажармаётирлар. Қорақалпоғистонда ҳам сув хўжалик қурилиши суръатларини анча ошириш керак. Сув хўжалиги министрлиги ва унинг трестларининг ишида ҳали кўпгина камчиликлар бор, улар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, илғорлар тажрибасини ўрганиш ва ёйиш масалаларини кўпинча оператив ҳал қилмаётирлар.

Қурилишни бошқариш формаларини такомиллаштириш зарур. Қурилишнинг ҳар бир областдаги сув хўжалиги умумий комплексда бўлишини таъминлаш учун министрлик қурилиш ташкилотларининг асосий воситаларини область суғориш системалари бошқармалари ихтиёрига топширишни мўлжалламоқда. Сув хўжалиги министрлиги ҳузурида хўжалик ҳисобидаги кучли қурилиш бошқармасини вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Мирзачўлни ҳисобга олмаганда, етти йилликнинг охиригача уч юз минг гектардан ортиқ ерни тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун топшириш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, ўтган етти йил ичида республиканинг суғориладиган ер майдонлари фақат 200 минг гектар кўпайган эди. Сув хўжалик қурилишидаги ҳозирги босқичнинг хусусияти шундан иборатки, ҳозир анча катта майдонлар янги массивларда ўзлаштирилмоқда. Совхозлар ташкил қилиш йўли билан бу ишда энг яхши натижаларга эришилишини тажриба кўрсатди. Бироқ катта массивларда янги ерларни ўзлаштириш ишлари бирмунча кечиктирилаётганлигини эътироф этмаслик мумкин эмас. Олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун ғайратимизга-ғайрат қўшиб ишлаш, сув хўжалик қурилишида куч ва имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланиш керак.

Сув хўжалиги ходимларининг ўттиз минг кишилик коллективи номидан Олий Советни ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, партиянинг XXII съезди Ўзбекистонда ирригацияни ривожлантириш соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олинади. **(Қарсаклар).**

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

„Главголодностепстрой“ бошлиғи депутат А. А. САРКИСОВ докладидан

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидан бошлабоқ Мирзачўлга сув чиқариш Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг эътиборини тортди. 1918 йил май ойидаёқ, мамлакат интервенция, харобалик, очликни бошидан кечираётган вазиятда В. И. Ленин Мирзачўлда 500 минг десятина ерга сув чиқариш тўғрисидаги машҳур Декретга имзо чекди. 1956 йилга келиб Мирзачўлнинг сув чиқарилган ерлари 34 минг гектардан 210 минг гектарга етказилди. КПСС XX съездининг қарорларига мувофиқ, Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасидаги ишларнинг катта программаси белгиланди. Бу программа суғориладиган ерлар миқдорини 1965 йилга бориб 405 минг гектар кенгайтиришни кўзда тутади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми кўрсатмаси муносабати билан бу ишлар ҳозирги пайтда жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида сўзлаган ажойиб нутқида ирригация ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан муттасил мўл ҳосил олишга имкон берувчи энг ишончли воситадир, деб атаган эди.

Мирзачўлнинг қўриқ ерларига сув чиқариш ва уларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш юзасидан партия ва ҳукумат ўртага қўйган вазифа қандай амалга оширилмоқда?

1956-1960 йиллар мобайнида «Главголодностепстрой»нинг қурилиш объектларига янги пул ҳисобида 176.6 миллион сўм сарфланди, шундан Ўзбекистон ССР территориясида 113.2 миллион сўм сарфланди.

Ўтган йиллар мобайнида 168 миллион кубометр ҳажмида, шу жумладан Ўзбекистонда 114 миллион кубометр ҳажмида ер ишлари бажарилди. 537 минг кубометр ҳажмида бетон ва темир-бетон ётқизилди. 780 километр узунлигида автомобиль йўллари қурилди. 430 километр узунликда электропередача линиялари, 250 километр узунлигида водопровод қувури ўтказилди, алоқа воситаларини ривожлантириш, аҳоли яшайдиган пунктларни обод қилиш соҳасида кўп иш қилинди. 15 мактаб, 25 болалар боғчаси ва болалар яслилари, кўп миқдорда маданий-маиший муассасалар қурилди. 272 минг квадратметр майдонли уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Ўзбекистон ва Қозоғистон территорияларида Мирзачўлнинг қўриқ массивини кесиб ўтувчи темир йўл қурилди.

Мирзачўлнинг Ўзбекистонга кирувчи қисмида шу йил 15 майга қадар 46.6 минг гектар ер тайёрланиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди, шундан 16 минг гектари шу йилнинг баҳорида тайёрланди. 1 июлга қадар яна 4 минг гектарга яқин ер тайёрланиб, оборотга киритилади.

«Главголодностепстрой» совхозларида (4, 5, 6-ва «Фарҳод» совхозлари) 16,5 минг гектар ерга қишлоқ хўжалик экинлари экилди, шу жумладан 12.460 гектар ерга чигит экилди. Яна 4 минг гектарга яқин ерга кечки экинлар экилади. Бу совхозларда 350 гектар ерда янги боғлар, 170 гектар ерда узумзорлар барпо этилди, 300 гектар ерга манзарали дарахтлар ўтқазилди, иҳота зоналари вужудга келтирилди. Бу, Жанубий канал зонасидаги қўриқ ерларга биринчи марта экин экилишидир. Бизнинг вазифамиз — янги сув чиқарилган ерларда пахтадан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишдир. Янги зоналардаги совхозларга Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Тошкент областларидан келган янги ерларни ўзлаштирувчиларнинг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу совхозларга ҳаммаси бўлиб 1.044 киши келган, булардан 426 таси механизаторлардир.

Шундай қилиб, «Главголодностепстрой» бутун бир комплексдаги ишларни амалга оширади. Ирригация ва коллектор-зовур шохобчалари қуриш, уй-жой бинолари қуриш, совхоз усадьбаларини обод қилиш, суғориладиган ерларни ўзлаштириш ва янги совхозлардан вақтинча фойдаланиш ишлари ана шу комплексга киради. Ишнинг шу тариқа ташкил қилиниши ишлаб чиқаришга солинган капиталдан тезроқ хўжалик эффекти олишга имкон беради.

Сув хўжалик қурилишини «Главголодностепстрой» дастлабки йилларда асосан Мирзачўлнинг суғориладиган эски зоналарида амалга оширган эди. Бу ишларни бажариш натижасида эски ҳайдаладиган ерларнинг анчагина қисмининг мелиоратив ҳолати анча яхшиланди. Бироқ, суғориладиган эски ерларнинг бир қисмининг ва айниқса Боёвут массивининг мелиоратив ҳолати ҳали ноқулайлигича қолиб келмоқда ва бир қанча муҳим мелиоратив тадбирларни амалга оширишни талаб қилади.

Бир қанча район раҳбарларининг, кўпгина совхоз директорларининг ва колхоз раисларининг суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби муҳим ишга бепарволик билан қарашига асло йўл қўйиб бўлмайди. Сувнинг ҳар литрини ва ернинг ҳар квадрат метрини қадрлаш керак. Шундай қилинмаса, давлатнинг сув хўжалик қурилишига ажратаётган жуда кўп маблағлари лозим даражада эффект бермайди.

Маълумки, ҳозирги вақтда «Главголодностепстрой»нинг бутун куч-эътибори янги сув чиқариладиган зонадаги қўриқ ерларни ўзлаштиришга қаратилган. Мавжуд суғориладиган районлардаги қурилиш ишлари Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига топширилди. Мирзачўлнинг қўриқ ерлари зонасида ўтган йилнинг охиридаёқ бош сув артериясининг биринчи навбат қисми — Жанубий Мирзачўл каналини қуриш юзасидан асосий ишлар бажарилди. Еттита янги совхозда суғориш ва коллектор-дренаж шохобчалари қуриш ишлари кенг авж олдириб юборилди. Янги совхозларда участка суғориш шохобчалари темир-бетон новлардан ва асбоцемент қувурлардан қурилмоқда. 15 майга қадар бу совхозларда 60 километр узунлигида нов ва 120 километр босим трубопроводлари қурилди. 82 километрга чўзилган совхозлараро коллекторлар ва ёпиқ зовурлар ҳам қурилди, совхозлараро кўп километр коллектор шохобчаси қурилди, булар яқин бир-икки йил ичида қувур ичига олинади.

Темир-бетон новлар ва босим трубопроводларидан ирригация шохобчалари, шунингдек ёпиқ коллектор-зовур шохобчалари қурилиши совет ирригациясининг муҳим ютуғидир, бу бизнинг қурилиш индустриямизнинг қудрати ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси суғориш системаларининг фойдали ҳаракат коэффициентини кескин суратда оширади, ерларнинг шўрланиш хавфини камайтиради, ариқлар, коллекторлар ва зовурлар банд қилган майдоннинг камайиши натижасида ердан фойдаланиш коэффициентини кўпайтиради, суғориш системасидан фойдаланишни осонлаштиради ва арзонлаштиради.

Мирзачўлнинг мураккаб гидрогеология шароитида катта массивларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш вазифасини муваффақиятли бажариш, аввало, қурилишнинг ўзини тўғри ташкил қилишни талаб қилади. Ўтган йиллардаги практиканинг жиддий камчилиги— янги ерлар тайёрлаш, одатда, асосан сув омбори қуришдан, сийрак коллектор-зовур шохобчалари билан суғориш каналлари қуришдан иборат эди. Бундай йўл, гарчи ерларни тез оборотга киритишга имкон берган бўлса-да ва арзон тушган бўлиб кўринсада, суғориш системаларининг фойдали иш коэффициентининг жуда паст бўлишига, ерларнинг интенсив шўрланиши ва ботқоқланишига муқаррар равишда сабаб бўлди, бунинг натижасида қишлоқ хўжалик оборотидаги ерлар ишдан чиқиб қолади ва ҳосилдорлик камайди.

Давлатнинг индустриал қуввати ошганлиги ва партиянинг мукаммал суғориш системаларини вужудга келтиришга қаратилган йўли Мирзачўлда принципиал янги бўлган ташкилий-техника асосда қурилиш ишларини бошлаб юборишни белгилаб берди. Ҳозирги вақтда қурилиш ишлари, комплекс, капитал суратда олиб борилмоқда. Бу ишлар юксак индустриал иш методларини қўлланиш ҳамда сув чиқарилган янги ерларда совхоз ишлаб чиқаришини олиб боришнинг прогрессив усулларига асосланган ҳамда ерларни ўзлаштирувчилар учун қулай турмуш шароити бўлган илғор пахтачилик хўжалиги вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрликка асосланган.

Мирзачўлда вужудга келтирилаётган кучли қурилиш индустрияси ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш учун тайёрлаш ишларининг асосидир. Бир қанча корхоналар ишга туширилган ва маҳсулот бериб турибди. Булар орасида Бекободдаги темир-бетон заводи бор. Завод 15 минг донадан ортиқроқ темир-бетон нов тайёрлаб берди. Жиззахдаги силикальцит буюмлар заводи маҳсулот бериб турибди. Бу буюмлардан 6-пахтачилик совхозида йирик блокдан барча қулайлик бўлган уй-жойлар қурилмоқда. Жиззах саноат комбинатининг ганч плиталар ясаш заводи ишга туширилди. Бу завод бир йилда 400 минг квадратметр плита ишлаб чиқаради. Яқин орада Ховосдаги сопол қувурлар заводи ишга туширилади. Бу қувурлар ёпиқ дренажлар ва канализация учун ишлатилади. Янгиерда темир-бетон заводи, Бекободда ғишт, тош ва шағал-қум заводи, Жиззахда шағал-қум карьери ва гражданлик ҳамда сув хўжалиги қурилишларининг эҳтиёжлари учун йиғма темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқарувчи полигонлар қурилиб, ишга туширилди.

Қурилиш индустрияси базалари мавжуд корхоналарнинг қувватини ошириш йўли билан ҳам, бир қанча янги корхоналар, шу жумладан Жиззах керамзит-бетон заводи, Янгиер махсус темир-бетон конструкциялар заводи, Чиноз шағал-қум карьери қуриш ҳисобига ҳам кенгайтирилмоқда. Жиззахда 35 минг квадрат метр турар жой қуриш қувватига эга бўлган уй қуриш комбинати, Янгиерда асфальт-бетон заводи, Мирзачўлнинг Қозоғистон ва Тожикистон қисмларида босимга чидамли темир-бетон трубалари заводи, темир-бетон буюмлар заводлари қурилади, шунингдек қўшимча полигонлар қурилади. Булар темир-бетон новлар ишлаб чиқаришни кунига тўрт километрга етказиш имконини беради. Мирзачўл қурувчилари ўз олдиларига қўйилган энг муҳим вазифани — қурилиш майдончасини монтаж майдончаларига айлантириш вазифасини ҳал қилишга жуда яқинлашиб қолдилар.

Мирзачўлда қурилиш индустрияси барпо этиш тўғрисида гапирар эканмиз, шу нарсани кўрсатиб ўтишимиз керакки, биз асосий корхоналарни қуришни камида бир-бир ярим йилга чўзиб юбордик, бу эса бутун қурилишнинг суръатларига, бинобарин, ерларни оборотга киритиш суръатларига ёмон таъсир кўрсатди.

Кези келганда айтиб ўтиш керакки, қурилган барча корхоналар газ билан ишлашга мўлжалланган эди, амалда улар кўмир ва ёнилғи билан ишламоқда, бу эса уларни эксплуатация қилишга ва техника-иқтисодий кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Корхоналарни газлаштириш халқ хўжалик планида кўзда тутилганига қарамай, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги республика Госпланининг ҳомийлиги остида бу ишга киришгани йўқ.

Мирзачўлда мелиорация ва суғоришда ишлатиладиган янги техника соҳасида тажриба ишлари кенг авж олиб кетди. Жанубий Мирзачўл каналидан бошқа ҳамма каналларнинг чети темир-бетон плиталар билан қопланмоқда ва сув шиммайдиган бошқа материаллар—полиэтилен плёнкалар, битум мембраналар, бетонит плиталардан ясалган экранлар ишлатилмоқда. Суғориш шохобчалари темир-бетон новлардан ва босимга чидамли трубопроводлардан монтаж қилинмоқда. Шохобчаларга бўлинган ёпиқ горизонтал зовурлар қуриш билан бир қаторда хўжалик шароитида зовурларнинг бошқа типи — вертикал, сув чиқариб ташланадиган ва бу сув қисман суғоришда фойдаланадиган типи ҳам ўрганилмоқда. Суғоришнинг янги техникаси—эгилувчан шлангалар ва ёмғир сочувчи установкалар синовдан ўтказилмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси суғориш системасининг фойдали иш коэффициентини 0,5 дан 0,9 гача ошириш, ердан фойдаланиш коэффициентини 10-15 процент кўпайтириш, ғўзани парвариш қилишдаги оғир меҳнат талаб қиладиган процесслардан бирини — суғоришни механизациялаш ва, оқибат натижада, пахтанинг таннархини камайтириш вазифасини, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдаги ана шу энг муҳим вазифани ҳал қилишга қаратилган.

Янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишларни индустриал асосда комплекс равишда олиб бориш дастлабки вақтларда жуда кўплаб капитал маблағ сарфланиши билан муқаррар суратда боғлиқдир. Аммо, бу сарфлар қурилиш ишлари олиб борилган вақт ичидаёқ ўзини қоплайди. Бу нарса СССР Госплани томонидан Мирзачўл бўйича ўтказилган экспертиза билан тасдиқланди.

«Главголодностепстрой» қурувчилари коллективи бу йилги 79.4 миллион сўмлик қурилиш программасини бажариш устида ишламоқда. Бу программа ўтган йили сарфланган капитал маблағдан 53,3 процент кўпроқдир. «Главголодностепстрой» I квартал планини 103 процент бажарди. Апрель ойида ёмонроқ ишладик — тўрт ойлик план 98,5 процент бажарилди.

Қурувчилар коллективлари КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Бизнинг энг биринчи вазифамиз — мавжуд техникадан ва барча моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни яхшилашдан, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан, барча қурилиш ташкилотларида меҳнат унумдорлигини систематик суратда ошириб боришдан ва шу асосда ишимиздаги жуда жиддий хатоларни ва мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф қилишдан иборат.

Главканинг ташкилий-техника раҳбарлик савияси ҳозирги куннинг жуда ўсиб кетган ва тобора ўсиб бораётган вазифаларидан кескин суратда орқада қолаётганлигини яхши биламиз. Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва республика ҳукуматининг раҳбарлигида «Главголодностепстрой»ни намунали қурилиш ташкилотига айлантириш учун доим кураш олиб борамиз.

Ҳозирги вақтда Мирзачўл ерларини суғориш кўламларини «Главголодностепстрой» бўйича 2,5-3 баравардан кўпроқ ошириш ва шу жумладан, сув чиқаришни Ўзбекистон ССР бўйича 89 минг гектардан 200-250 минг гектаргача етказиш тўғрисидаги таклифлар қараб чиқилмоқда.

Келгусида анча узоқ давр ичида, етти йилликдан ҳам кўпроқ давр ичида, яъни 10-12 йил ичида ерларга сув чиқариш ҳажмини Мирзачўлга ёндошган йирик қўриқ ер массивлари ҳисобига 1100 минг гектарга етказиш мўлжалланган. Жумладан, Ўзбекистон бўйича Фориш ва Нурота чўллари ҳисобига «Главголодностепстрой»нинг кучи билан 650 минг гектаргача қўриқ ерни суғориш ва ўзлаштириш назарда тутилади. Бу ерлардан тахминан 400 минг гектарини пахта экиш учун ажратиш мумкин. Бунинг натижасида 1 миллион тонна пахта олинади. Бу ҳақиқатан ҳам жуда буюк вазифа бўлиб уни бажариш ташкилий-техникавий тадбирларни кенг миқёсда амалга оширишни талаб этади.

Бу тадбирлар ичида проект ишларига катта ўрин берилиши керак. Проект ишларини тубдан яхшилаш зарур. Аввало, янги системалар қуриш ва тайёр системалардан фойдаланиш тажрибасини тезроқ ўрганиш ҳамда шу асосда янги лойиҳалар яратиш зарур. Ҳозирнинг ўзидаёқ Фориш, Нурота чўлларида ҳамда «Главголодностепстрой» иш программасини белгиловчи бошқа барча объектларда текшириш-қидирув ҳамда проект ишларини кенг кўламда бошлаб юбориш лозим, 16 та тарқоқ проект ташкилотлари ўрнига — Мирзачўл объектларини қисм-қисмларга бўлиб, проектлаштираётган бу ташкилотлар ўрнига ягона қудратли институт ташкил этиш ва уни малакали мутахассислар билан ҳамда зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш лозим.

Сирдарё оқимини бундан буён тартибга солиш, жумладан, Қирғизистон ССР территориясида кучли гидроэлектростанцияси бўлган Тўхтагул (Қорасув) сув омборини қуриш, шунингдек Қозоғистон ССР территориясида қурилаётган Чордарё сув омборининг ҳажмини ошириш талаб этилади.

Илмий-текшириш институтлари ва конструкторлик ташкилотлари каналларга бетон ётқизиш ва суғориладиган майдонларни текислаш учун такомиллаштирилган механизм типларини ишлаб чиқишлари зарур.

Темир-бетон новлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, Ховос труба заводини тезда ишга тушириш, Жиззах селикальцит заводининг иккинчи навбатини қуриш соҳасидаги ишларни тезликда тугаллаш, пахтакор совхозлар қуриш муддатларини максимал даражада қисқартириш керак. Янги совхозларда боғлар ва узумзорлар барпо этишга алоҳида эътибор бериш, булардан Мирзачўлнинг баланд ҳароратли шароитида микроклимат яратиш воситалари сифатида фойдаланиш жуда муҳимдир. Қўриқ ерлардаги совхозларда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, сабзавот, полизчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш лозим.

Янги ерларга сув чиқариш ва уларни ўзлаштириш — умумхалқ ишидир. Бу иш республиканинг барча меҳнаткашлари актив иштирок этган тақдирдагина, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари кун сайин ёрдам ва тинмай эътибор берган тақдирдагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Коммунистик партия, Совет ҳукуматининг, шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сув хўжалиги қурилиши тўғрисида қилаётган буюк ғамхўрлиги ишимизда янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишга илҳомлантирмоқда. Мирзачўлни ўзлаштирувчилар жонажон партиямизнинг XXII съездини муносиб кутиб оладилар, деб Олий Советни ишонтиришга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

СОМАЛИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ АФРИКАДАН КЕЛГАН ДЎСТЛАРНИ ТАБРИКЛАМОҚДАЛАР

28 майда Тошкент кўчалари ва майдонлари уйғонган Африка халқларига, эрксевар Сомали халқига самимий салом сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилди. Шу куни республика пойтахти СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Сомали Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермаркни самимий ва хурсандлик билан кутиб олди.

Тошкент аэровокзали биносининг тепасида ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан бир қаторда Африкадаги бу ёш давлатнинг давлат байроғи ҳилпираб турди. Ҳурматли меҳмон мамлакат бўйлаб сафар қилаётган махсус самолётнинг Ленинграддан келиши олдидан аэропортда уни тантанали кутиб олиш учун шаҳар меҳнаткашларининг вакиллари тўпланди. Бу ерга Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, СССР Олий Совети депутатлари Қ. М. Муртазоев ва И. И. Федюнинскийлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Г. Ф. Наймушин, республика министрлари, Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, журналистлар келдилар.

Самолёт аэродромга қўнади. А. А. Шермарк Ўзбекистон тупроғига қадам қўйиб, О. А. Алимов ва республика ҳукумати аъзолари билан дўстона кўришади. Африка давлати ҳукумат бошлиғининг руҳи баланд, унинг ёш ва серғайратлиги сезилиб турган чеҳрасидан хурсандлик табассуми аримас эди. Маориф министри Али Гарад Жама, саноат ва савдо министри Шек Абдулле Мохамуд, қишлоқ хўжалик министри Аҳмад Хожи Дуале, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Муҳаммад Али Даар, соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Шариф Муҳаммад Нур, Сомалининг СССР даги муваққат ишлар вакили Аҳмад Муҳаммад Аден, Сомали пойтахти Могадишо шаҳрининг мэри Аҳмад Муддем Хусайн, миллий банк президенти Абди Аден Муҳаммад ва Сомалидан келган бошқа меҳмонлар кутиб олувчилар билан самимий кўришадилар.

Меҳмонлар орасида Сомали ҳукуматининг бошлиғига ҳамроҳ бўлиб келган совет расмий шахслари: СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Хруничев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССРнинг Сомалидаги элчиси Г. И. Фомин, СССР Ташқи ишлар министрлиги биринчи Африка бўлими мудирининг ўринбосари И. С. Спицкийлар бор.

Меҳмонлар олдига болалар югуриб келади. Улар меҳмонларга катта гулдасталар тақдим этадилар.

Фахрий қоровул бошлиғи рапорт беради. Аэродромда Сомали Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди.

О. А. Алимов микрофон олдига келиб, А. А. Шермаркни ва Сомали делегацияси аъзоларини республика ҳукумати ва меҳнаткашлари номидан қизғин табриклайди.

Абдирашид Али Шермарк жавоб нутқи сўзлайди. Бизнинг, деди ҳурматли меҳмон, Совет Иттифоқида бўлишимиз СССР билан умуман Африка ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бош министр самимий кутиб олинганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди ва Ўзбекистон меҳнаткашларига ўз мамлакати халқидан қизғин салом топширди.

АБДУРАШИД АЛИ ШЕРМАРК ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ О. А. АЛИМОВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермарк 28 майда, Тошкентга келиши биланоқ, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси О. А. Алимов ҳузурида бўлди.

О. А. Алимов билан А. А. Шермарк самимий, дўстона суҳбатлашдилар.

Суҳбатда А. А Шермарк билан бирга Сомали делегациясининг аъзолари: маориф министри Али Гарад Жама, саноат ва савдо министри Шек Абдулле Мохамуд, қишлоқ хўжалик министри Аҳмад Хожи Дуале, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Муҳаммад Али Даар, соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Шариф Муҳаммад Нур, Сомалининг СССР даги муваққат ишлар вакили Аҳмад Муҳаммад Аден, Могадишо шаҳрининг мэри Аҳмад Муддем Хусайн, миллий банк президенти Абди Аден Муҳаммад ҳам бор эдилар.

Суҳбатда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Хруничев, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, республика Госплани раиси С. К. Зиёдуллаев, Ўзбекистон министрлари Н. М. Маннонов, С. М. Муҳамедов, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари У. А. Рустамов, СССР Ташқи ишлар министрлиги биринчи Африка бўлими мудирининг ўринбосари И. С. Спицкийлар хозир бўлди.

А. А. ШЕРМАРК ШАРАФИГА ЗИЁФАТ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов Тошкентда меҳмон бўлиб турган Сомали Республикаси бош министри Абдирашид Али Шермарк шарафига 28 майда зиёфат берди. Африкадаги бу ёш давлатнинг ҳукумат бошлиғи билан бирга Сомали делегациясининг бошқа аъзолари ҳам бор эди.

Эркин ва самимий вазиятда ўтган зиёфат вақтида О. А. Алимов ва А. А. Шермарк нутқ сўзладилар.

О. А. Алимов ҳурматли меҳмонга мурожаат қилиб айтдики, Сиз Совет Иттифоқи бўйлаб қилаётган сафарингиз вақтида совет кишиларининг Сомали халқига, Африканинг мустамлакачиликка қарши қатъий курашга отланган ҳамма халқларига бўлган хайрихоҳлиги қанчалик катта ва самимий эканлигига қаноат ҳосил қилиш имкониятига эга бўласиз. Совет ҳукумати халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, бутун дунёда тинчликни сақлаш учун ҳамма чорани кўрмоқда. Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Венага бориши тинчлик ва инсониятнинг бахт-саодатидан иборат олижаноб мақсадларга хизмат қилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари Сомалидан келган азиз меҳмонларни хурсандлик билан табриклайдилар. Чунки уларнинг миссияси ҳам халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мен расмий равишда айта оламанки, Сомали халқи совет халқи билан дўстликни ғоят қадрлайди, дейди ўз нутқида А. А. Шермарк. Биз Совет ҳукуматининг бизга нисбатан дўстона муносабатига сира шубҳа қилмаймиз. Н. С. Хрушчев жаноблари, барча совет кишилари бизга нисбатан худди шундай муносабатда бўлдилар.

Бош министр ёш Сомали давлати делегациясининг Совет Иттифоқига қилган бу биринчи расмий сафари охирги сафар бўлмайди, иккала давлат ўртасидаги алоқалар ривожланади, деб ишонч билдирди. А. А. Шермарк ўзи ва делегация аъзолари Ўзбекистонга келганликларидан жуда хурсанд эканликларини таъкидлади.

Зиёфатда совет томонидан СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Хруничев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССР нинг Сомалидаги элчиси Г. И. Фомин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, СССР Олий Совети депутатлари Қ. М. Муртазоев ва И. И. Федюнинскийлар, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Г. Ф. Наймушин, СССР Ташқи ишлар министрлиги биринчи Африка бўлими мудирининг ўринбосари И. С. Спицкий, Ўзбекистон ССР министрлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Сомалидан келган меҳмонларга Ўзбекистонда бўлишларидан эсдалик қилиб, ўзбек миллий кийимлари тақдим этилди. Зиёфат вақтида Ўзбекистон санъат усталари иштирокида концерт берилди.

ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШУВ

Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермарк ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистонда бўлишларининг иккинчи кунида эрталаб Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига бордилар.

Африкадаги ёш давлат вакиллари кўп тармоқли бу хўжаликнинг экономикаси билан, ўзбек қишлоғининг маданий ҳаёти билан узоқ танишдилар.

— Сизларда меҳмон бўлиб, ўзимиз учун кўпгина фойдали нарсаларни билиб олдик,— деди Сомали бош министри меҳмондўст колхозчилар билан хайрлашаркан. — Мен сизларга янги зўр муваффақиятлар тилайман.

Сомали қишлоқ хўжалик министри Аҳмад Хожи Дуале Ўзбекистон телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда колхозда кўрганларининг ҳаммаси Сомали Республикаси учун шубҳасиз қизиқарли эканлигини айтди. Хўжаликни бошқаришнинг кооператив формаси, деди у, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун ҳамма шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Сомали делегацияси аъзолари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар. Саноат ва савдо министри Шек Абдулле Мохамуд тўқимачилик комбинатини бориб кўрди, маориф министри Али Гарад Жама шаҳарда халқ маорифининг ташкил қилиниши билан танишди, соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Шариф Муҳаммад Нур медицина институтида бўлди. Сомалилик меҳмонлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари дини назоратида бўлдилар.

СОМАЛИ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ МИНИСТРИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Сомали Республикасининг бош министри Абдирашид Али Шермарк ва Сомали делегациясининг бошқа аъзолари 29 май кечқурун Тошкентдан Бокуга жўнаб кетдилар. Улар билан бирга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. В. Хруничев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Я. А. Малик, СССРнинг Сомалидаги элчиси Г. И. Фомин ва меҳмонларнинг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида уларга ҳамроҳ бўлувчи бошқа совет вакиллари ҳам жўнаб кетдилар.

Аэродромда ҳурматли меҳмонни ва унинг ҳамроҳларини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси О. А. Алимов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, СССР Олий Советининг депутатлари Қ. М. Муртазоев ва И. И. Федюнинский, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Г. Ф. Наймушин, республика министрлари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари узатиб қолдилар. Узатиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди ҳамда Сомали Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР давлат гимнлари ижро этилди.

Совет Ўзбекистонининг ҳукумати ва меҳнаткашлари номидан О. А. Алимов Африкадаги ёш давлат вакилларига оқ йўл, уларнинг дўстлик ва тинчлик олижаноб миссиясида муваффақиятлар тилади.

Абдирашид Али Шермарк кўрсатилган меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор қилиб, Сомали делегациясининг СССР га келиши тарихий давр бўлишига ҳамда Совет Иттифоқи билан Сомали Республикаси ўртасида энг дўстона муносабатларга асос солишига шубҳа қилмаганлигини айтди.

О. А. Алимов Сомали халқига совға қилиб, «Ўзбекистонимизга келинг» деган ҳужжатли кинокартинани ҳурматли меҳмонларга топширди. (ЎзТАГ).

В. Г. БЕЛИНСКИЙ ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

КУТУБХОНАДА ВИСТАВКА

Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинскийнинг туғилганига 150 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган юбилей тантаналари олдидан А. Навоий номли халқ кутубхонасида виставка ташкил этилди. «Белинский — буюк рус танқидчиси, революцион демократ» деб номланган бу виставка бир неча бўлимдан иборат.

«Белинскийнинг болалик ва ёшлик йиллари», «Белинский адабий фаолиятининг бошланиши», «Белинский ва «Отечественные записки» журнали», «Белинский ва «Современник» журнали», «Белинскийнинг педагогик қарашлари», «Белинский ҳаётининг сўнгги йиллари», «Белинский бизнинг кунларимизда» деб номланган бу бўлимларда танқидчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир жуда кўп нодир китоблар бор. Бу китоблардан бир қисми XVIII—XIX асрларда нашр этилган. Шунингдек, Белинский ҳақида ёзилган китоблар ва унинг асарлар тўпламлари виставкадан кенг ўрин олган. Совет ҳокимияти йилларида В. Г. Белинский ҳақида ёзилган китоблар ҳам виставкага қўйилган.

ГРЭС ҚУВВАТИ ТЎРТ БАРАВАР ОРТАДИ

Электр қуввати — халқ хўжалигимизнинг қон томири, турмушимиз файзи. Шу сабабли нур ҳосил қилишни кўпайтириш доимо партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди.

Янги нурхоналар қуриш билан бирга ички резервларни ишга солиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва янги техника ҳамда илғор технологияни жорий этиш орқали ишлаб турган электростанцияларининг қувватини анчагина ошириш мумкин, бу янги электростанциялар қуришдан кўра анча арзонга тушади. Демакки, етти йиллик вазифаларини бажариш учун ажратилган маблағлар тежаб-тергаб сарфланади.

Қувасой ГРЭСининг ишчи ва инженер-техник ходимлари ички имкониятларни чамалаб кўриб, унча кўп маблағ сарфламасдан станция қувватини деярли тўрт баравар оширишга қарор қилдилар.

Нурхона қуввати қайси йўллар билан оширилади?

Аввало шуни айтиш керакки, бунинг учун қўшимча гидроиншоотлар қуриш керак бўлмайди. Шунингдек, темир йўл тармоқларини узайтириш, маъмурий бинолар қуришга ҳам эҳтиёж йўқ. Кўмир омбори ва ёғ хўжалигида ҳам резервлар етарли.

ГРЭС қувватини ошириш, асосан, очиқ подстанцияни кенгайтириш йўли билан бажарилади. Иқлим илиқ бўлгани учун қўшимча ишлаб чиқариш биноларини ярим очиқ типда қуриш мумкин. Бу— қурилиш арзонга тушади деган гап.

Қурилиш учун зарур бўлган асосий материаллар — цемент, ғишт, шифер, оҳактош ва алебастр Қувасойда ишлаб чиқарилмоқда. Шу сабабли транспорт харажатлари кескин камаяди.

Қувасой ГРЭСини энг янги техника билан таъминлаш муҳим вазифадир. Станцияга юқори босимли, катта иқтисодий фойда берадиган, қуввати 50 миллион ваттга тенг турбиналар етказиб бериш зарур.

Энди кадрлар масаласига тўхталиб ўтайлик. Ҳозир станцияда 340 киши ишлаяпти. Корхона кенгайиб, унинг қуввати тўрт марта ошгач яна 60 та ишчи ва инженер-техник ходим зарур бўлади. Шу йўсинда меҳнат унумдорлиги 3.2 марта ортади. Ишлаб чиқарилаётган электр қуввати 32.2 процент арзонлашади. Шунингдек ёқилғи сарфлаш 24.6 процент камаяди.

Фикримизча, Қувасой ГРЭСини кенгайтириш бўйича лойиҳалаш ишларига ҳозирнинг ўзидаёқ киришиш керак. Ишларни шундай ташкил этиш керакки, тез орада қурилишни бошлаш мумкин бўлсин.

М. ВАХОВСКИЙ,
Қувасой ГРЭСи план бўлимининг бошлиғи.

ПИЧАН ЎРИЛЯПТИ

Фарғона областидаги колхоз ва совхозларнинг бепоён бедазорлари ям-яшил гиламга ўхшаб қолди. Экилган ўтлар ҳамма жойда ўтган йилдагига нисбатан анча баланд ва қалин бўлиб ўсгин. Қува, Олтиариқ, Куйбишев ва бошқа районлардаги илғор хўжаликларнинг механизаторлари дастлабки бир минг гектар ердаги ҳосилни ўриб олдилар.

Куйбишев районидаги «Риштон» совхозининг ем-хашак тайёрлаш бригадалари пичан ўримини уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Масалан, тракторчи Тўлан Исмоилов ва ўрувчи Қўзибой Исмоиловлардан иборат экипаж кун сайин ўн беш-ўн етти гектар ердаги пичанни ўриб олмоқда.

Илғорлар КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, бутун майдондаги ишларни бир ҳафта ичида тамомлашга ваъда бердилар.

Областнинг колхоз ва совхозлари етти йилликнинг учинчи йилида 27 минг гектардан ортиқ бедазорнинг ҳар гектаридан камида саксон центнердан пичан тайёрлашни мўлжаллайдилар.

Чиноз районидаги «Вревский» насчилик совхозининг коллективи беда ўримини қизитиб юборди. Чорвадорлар бедадан юқори ҳосил олмоқдалар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Шевченко бошлиқ бедакорлар бригадаси ҳар гектардан 35 центнердан пичан ўриб олмоқда.

Совхоз ишчилари рекорд ҳосил олиш учун — 860 гектар бедазорнинг ҳар гектаридан 130 центнердан, яъни ўтган йилдагига нисбатан тўрт центнер ортиқ пичан йиғиб олиш учун курашаётирлар.

Хўжаликда экилган ўтларни ўриб-йиғиб олиш ишлари комплекс механизациялаштирилган. Хамма ишлар пичан ўриш, пичан йиғиш, ғарамлаш машиналари, ўзи юрар ва тракторга тиркаладиган мосламалар ёрдами билан бажарилади. Ҳозиргача дастлабки 500 тонна пичан ғарамлаб қўйилди.

Совхоз коллективи бу йилги мавсумда бир центнер пичаннинг таннархини 15 процент камайтиришга ҳаракат қилмоқда.

(ЎзТАГ).

ЯХШИ деҳқон ғўзанинг тилига тушунади. Экин «чанқадим» деб, сарғайиб кетишини кутиб ўтирмай, вақтида қондириб суғоради, ғўзани ўз вақтида ўғитга тўйдиради. Андижон область Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатор Манноб Жалолов бошлиқ бригадаси пахта далаларида ғўза барқ уриб ўсмоқда, бригада аъзолари 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта топширамиз дейишган. Иш шунга яраша. СУРАТДА: бригаданинг энг яхши сувчиси Абдухалил САИПОВ. У кунига камида 2 гектар майдондаги ғўзани қондириб суғоряпти.

В. Сироткин фотоси.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Тўрткўл районининг механизатор қизлари ишнинг сифатли бажарилиши учун қаттиқ курашмоқдалар. Улар чигит экишда ҳам квадратларнинг аниқ чиқишига алоҳида аҳамият бердилар.

«Партия XXI съезди», Ленин номли колхозларнинг механизаторлари **Назира Юсупова, Гулзода Боёнова, Гулистон Тангриберганова ўртоқлар мавсумда 1000-1200 гектардан ғўза қатор ораларини юмшатиш юзасидан мусобақалашмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига 8-9 гектар майдондаги ғўзани парвариш қилмоқда.**

Механизаторлар культивация сифатини яхшилаб, қатор ораларининг 45-48 сантиметр кенгликда юмшатилишини таъминламоқдалар. Шу билан бирга улар бир-бирларининг ишлари сифатини текшириб бормоқдалар.

О. ЖУМАНИЁЗОВ.

МЕХАНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Захкаш ва шўр ерларни ўзлаштиришда ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда коллектор—зовурларнинг аҳамияти катта.

Ҳозирга қадар кенг миқёсда очиқ зовурлардан фойдаланилмоқда. Лекин очиқ зовурларнинг бир қатор камчиликлари бор: зовурдан чиққан тупроқ 8-12 процентгача фойдали ер майдонларини эгаллаб ётади, очиқ зовурлар қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишларини қийинлаштиради. Шунингдек, уларни қуриш ҳамда сақлашга кўп маблағ сарфланади.

Шу сабабларга кўра, очиқ зовурларни ёпиқ зовурлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Суғориладиган ерлардаги ёпиқ зовурлар қуйидагича қурилади: маълум чуқурликда траншея қазилиб, тагига шағал солинади. Шағал устидан зарур нишабликда қувур ётқизилади. Қувурлар шағал билан ёпилгач, траншеяга тупроқ тўлдирилади. Ерости сувлари шағал орасидан ўтиб, зовур қувурига киради ва йиғув коллекторларига оқиб кетади.

Аммо, ёпиқ зовурлар шу давргача кенг тарқалмаган. Ёпиқ зовур кавлайдиган махсус машиналарнинг йўқлиги сабабли, бу ишларни қўл кучи билан бажариш қимматга тушмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси сув проблемалари ва гидротехника иншоотлари институтининг механизация бўлими ходимлари, ёпиқ зовур қазишни механизациялаш устида баракали ишладилар.

1959 йилда ёпиқ зовур қазувчи «Д-251» комбайни лойиҳаси яратилди. Уни кўп ковшли траншея қазувчи «ЭТУ-353» экскаваторига тиркаб ишлатиш мумкин. Шағал солинадиган тўрт бўлимли бункер, қувурларни траншея тагига суриб туширувчи механизм, қувурларни йўналгирувчи ёй шаклидаги тарнов, кўтариш, юриш ва тиркаш ускуналари комбайннинг асосий қисмларидир.

1960 йилда «Главголодностепстрой» бош бошқармасининг Мирзачўлдаги ремонт-механика заводи «Д-251» комбайнининг биринчи нусхасини ишлаб чиқарди. У 6-пахтачилик совхозида ёпиқ зовур қазиш ишларида синаб кўрилди.

Қазилган ёпиқ зовурларнинг сифати яхши. Янги машина ўзини оқлади. Комбайн ҳар сменада 300-350 метр узунликда ёпиқ зовур қазийди. Бу ажойиб машинани ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида ёпиқ зовур қазиш тўла механизациялашади. Машинанинг шарофати билан зовур қазиш ишлари 5 марта арзонга тушади.

Комбайн «Главголодностепстрой» бош бошқармасининг махсус комиссияси томонидан ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш учун қабул қилинди.

А. МИРСОАТОВ,
М. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сув проблемалари ва гидротехника иншоотлари институтининг илмий ходимлари.

ЯНГИ СОВХОЗ

АНДИЖОН. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Избоскан райони территориясида янги хўжалик — боғдорчилик, узумчилик совхози ташкил этилди. Совхоз Ленин номли колхознинг, шунингдек, давлат фондига қарашли ерларнинг ҳамда 8-пахтачилик совхози ерларининг фойдаланилмай ётган қисмларини ўз ичига олади. Янги хўжаликка «Мойлисув» номи берилди. Бу хўжалик мева ва узум етиштириш билан бирга асаларичилик билан ҳам шуғулланади ва Андижон аҳолисини мўл-кўл мева, узум, сабзавот ҳамда асал билан таъминлайди.

ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЕХАНИЗАТОРЛАРИМИЗ

Машҳур қиз

Амударёнинг бериги томонида Юмритоғ, нариги томонида Қоратоғ ястаниб ётади. Амугача 2-3 километр келар-келмас масофада шинам қишлоқ бор. Бу қишлоқнинг номи ҳам Юмритоғ деб юритилади. Тоғ кичкинагина бўлгани учун юмри (мушт) маъносида аталган бўлса керак. Лекин гап тоғ ёки қишлоқнинг номида эмас. Ҳамма ерда бўлганидек, бу ерда ҳам деҳқонлар ва чорвадорлар ўтмишда азоб-уқубатда кун кечирганлар. Октябрь революцияси қуёшидан баҳра олган қишлоқ аҳолиси барча совет халқи каби эркин ва бахтли ҳаёт кечиришга муяссар бўлди. Фақат бугина эмас, Қорақалпоғистон АССРнинг чекка райони, шўх Амударё қирғоғида жойлашган қишлоқда бутун мамлакатга машҳур — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати моҳир пахтакор, механизатор Ойим Камолова довруғ топган.

Ойим Камолова 15 ёшгача мактабда ўқиди. У ёшлигиданоқ қизғин меҳнатга отилди. Ёш қиз бир мавсумда 10-15 тонна пахта териш билан донг чиқарди. 1959 йилда 30 тонна пахта терди.

Ёшликдан кўзи пишган Ойим Камолова пахтачилик соҳасида тажрибакор деҳқонлар қатори билимга ҳам эга бўлди. Колхоз правлениеси 1956 йили уни звено бошлиғи қилиб тайинлади. Шу йили унинг звеноси гектаридан 50 центнердан пахта берди.

Бу ҳосил колхознинг ўртача ҳосилидан анча юқори эди. Камолова ўйланиб қолди: «Бу йил-ку шунча бердим, янаги йил, ундан кейинги йилларда қандай бўларкин, орқага қайтишдан ёмон нарса йўқ».

Шу мулоҳаза уни мўл ҳосил учун қаттиқроқ кураш олиб боришга, ишнинг кўзини билишга ўргатди. Серғайрат, иродали қизнинг халқ олдида, давлат ва партия олдида чеккан мулоҳазаси ва қаҳрамонона меҳнати кейинги йилларда ҳам ўз маъносини топди. Звено 1957 йили ҳар гектар ердан 60 центнердан, 1958 йили 72 центнердан, 1959 йили 75 центнердан, 1960 йили эса 80 центнердан пахта топширишга муваффақ бўлди. Бир центнер пахтанинг таннархи 57 сўмга тушди.

Республикамизда турсунойчилар ҳаракати кенг авж олиб кетган 1960 йили Ойим Камолованинг фикр-зикри терим машинасини ўрганишда бўлди. Районда механизаторлар курсига бориб ўқиш масаласи кўтарилганда, у биринчи бўлиб ёзилди. Камолова механизаторлар курсини аъло даражада битирди. Бир ишга астойдил киришган киши сира дард қолмайди. Ойим Камолова машина ҳайдашнигина ўрганиб қолмай, унинг икир-чикирларини ҳам билишга қизиқди ва агрегат бузилиб қолган тақдирда уни ўзи тузатадиган бўлди. Бу эса машинани тўхтовсиз ишлатишда жуда қўл келди. Шундай қилиб, илгариги машҳур теримчи Ойим Камолова 1960 йили машинада роппа-расо 250 тонна пахта терди.

Ойим Камолова бу йил ҳам 40 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Бутун ишни механизациялаш натижасида шунча катта ердаги ишларни 6 киши билан бажаришга эришилаётир. Звенонинг ғўзалари ҳозир иккинчи парваришдан чиқарилиш олдида турибди. Кўчат текис, олди ғўза яқин кунда шонага киради.

— Орқага қайтиш йўқ, — дейди Камолова, — бу йил ҳам гектаридан 80 центнердан ҳосил берамиз. Ўзим машинада 300 тоннадан ортиқ пахта тераман.

Ўзбекистон хотин-қизларининг яқинда бўлган II съездига Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё районидаги «Ленинизм» колхозининг қиз-жувонлари Ойим Камолованн делегат қилиб юбордилар. Камолова съезд минбарида туриб, ўзининг бу йилги иш режаларини, пахта етиштиришда ва ҳосилни териб олишда механизациядан қандай фойдаланаётганлигини ҳикоя қилиб берди. Илғор механизаторлар қаторида Ойим Камоловага ҳам республикада хизмат кўрсатган механизатор деган фахрий унвон берилди.

Камолова бу унвонга лойиқ механизатордир. У етти йилликнинг учинчи йилида пахтачиликда механизациянинг кучқудратини янада ёрқинроқ намойиш қилажак.

Ҳ. НУЪМОНОВ.

НОДИР ҚЎЛ ЁЗМАЛАР ХАЗИНАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Веруний номидаги илмий-текшириш институти кутубхонасига кирган киши ўзини нодир тарихий ёдгорликлар хазинасига киргандай ҳис қилади Ҳақиқатан ҳам кутубхонанинг махсус токчаларидаги қўл ёзмалар халқнинг кўп асрлар тарихида яратилган ва бизгача етиб келган маънавий хазинадир. Институтнинг қўл ёзма ва литография китоблари фондида тарих, адабиёт, фалсафа, астрономия, медицина ва фаннинг бошқа соҳаларига оид жуда кўп қимматли қўл ёзма асарлар бор. Булар орасида ўзбек адабиётининг классикларидан Ҳисров Деҳлавийнинг «Хамса»си, Ҳофиз Шерозийнинг қўл ёзма ғазаллари, буюк олим Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синодан ва ўтмишнинг бошқа улуғ донишмандларидан мерос қолган дурдона асарлар сақланмоқда. Ҳозир бу ердаги қўл ёзмалар ўн олти минг томдан ошади.

Институт ходимлари шу хазинани ўрганиш, уни кенг ўқувчилар оммасига ёйишдек олижаноб иш билан машғулдирлар.

Бир группа илмий ходимлар шу катта қўл ёзма ҳамда литография фондларини тартибга солиш, махсус каталоглар тузиш билан шуғулланадилар. Яқинда қўл ёзма фондидаги асарларнинг авторлари бўйича каталог тузиш иши тамомланди. Бу эса қўл ёзмалардан фойдаланиш ва илмий ишлар олиб боришда катта қулайлик туғдиради. Бу мураккаб ишни бажаришда илмий ходимлардан моҳир хаттот Абдулқодир Муродов, Абдулла Носировлар яхши хизмат қилдилар.

Профессор М. И. Йўлдошев раҳбарлигидаги бир группа илмий ходимлар ўлкамиз тарихига доир илмий-текшириш ишлари олиб бориб, «Хева давлат ҳужжатлари» номли китобнинг иккинчи томини яратдилар. Илмий-танқидий шарҳлар берилган бу архив ҳужжатларида XIX асрда Хевадаги ижтимоий ҳаёт, меҳнаткашларнинг оғир аҳволи акс этган. Илмий ходимлардан тарих фанлари кандидати Т. Неъматов, И. Низомиддиновлар бу китобнинг навбатдаги томини нашрга тайёрламоқдалар.

Бир гуруҳ олимлар шарқ халқлари тарихи билан шуғулланадилар. Улар Ўрта Осиё халқлари билан қўшни шарқ мамлакатлари халқлари ўртасида асрлар бўйи давом этиб келаётган сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқа тарихи ҳақида катта монографик асарлар яратиш устида илмий иш олиб боряптилар.

Х. СОДИҚОВА.

◆

Қисқа сатрлар

ҚЎҚОН. Бу ерда қад кўтараётган спорт шаҳарчаси қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Қурилиш ишларига билим юртларининг студентлари, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг спортчи ёшлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

М. БУРҲОНОВ.

ЁЗЁВОН. Қақроқ чўл ўрнида ташкил топган Карл Маркс номли, «Янги ҳаёт» ва «Коммунизм» колхозлари пахтадан йил сайин мўл ҳосил олмоқдалар. Бу хўжаликлар район марказидан бир неча ўн километр узоқда бўлишига қарамай, тўла телефонлаштирилган. Колхозлар ўз радиоузелларига ҳам эга.

С. БОЙДАДАЕВ.

АНДИЖОН. Янгиқўрғон район, Ленин қишлоқ Советидаги 41-сон ўрта мактаб учун қурилаётган янги бино 1961-62 ўқув йилигача қуриб битказилади.

Х. БУВАБОЕВ.

ГЛЕЗОС ОЗОД ҚИЛИНСИН!



Бундан роса 20 йил муқаддам, 1941 йил 30 майдан 31 майга ўтар кечаси Акрополь қасрида икки ёш йигит пайдо бўлди. Булардан бири баланд чўққига ўрнатилган фашистлар байроғини йиртиб-йиртиб ерга улоқтириб ташлади. Бу довюрак йигит грек халқининг миллий қаҳрамони Манолис Глезос эди.

Тез орада Глезос номи тилларда достон бўлди. Ўз ўғлони билан фахрланган грек халқи фашистларга қарши ҳаракатни кучайтириб юборди.

Адолат, эрк, озодлик учун курашган қаҳрамон Греция реакционерларига ёқмади. Глезосга қарши фитна уюштирилди. Уни «хавфли киши», деб қамоққа ташладилар. Глезос бир неча йилдан бери ёруғ дунёни кўрмайди. Бироқ, унинг иродаси букилмаган, руҳи тетик, бардам, адолат тантанасига ишончи зўр.

Глезосга тарафдор бутун тараққийпарвар инсоният Манолис Глезос озод қилинсин! демоқда.

Ю. А. Гагарин — Венгрия Коммунистик ёшлар союзининг фахрий аъзоси

БУДАПЕШТ, 27 май. (ТАСС). Биринчи совет космонавти Ю. А. Гагарин Венгрия Коммунистик ёшлар союзининг фахрий аъзоси қилиб сайланди. Будапештнинг саккизинчи районидаги Лайош Варга номли территориал ташкилотнинг тантанали йиғилишида шу ҳақда қарор қабул қилинди.

Юрий Гагариннинг номига 762696 сонли комсомол билети ёзилди. «Касби» деган графага космонавт деб ёзиб қўйилди.

Комсомол билети Коммунистик ёшлар союзи аъзолиги нишони ва мактуб билан бирга Ю. А. Гагаринга юборилди.

Венгрия комсомоллари ўзларининг ана шу хатида Ю. А. Гагарин сингари ажойиб ёшларни тарбиялаб етиштирган Ленин комсомолини ўзлари учун ўрнак деб ҳисоблаганликларини қайд қиладилар. Улар биринчи космонавтга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда совет фанининг янги зафарларида муваффақиятли иштирок этишини тилайдилар.

Совет спортчилари Японияга жўнаб кетдилар

НАХОДКА, (Приморье ўлкаси), 27, май (ТАСС). «Александр Можайский» деган конфортабел океан лайнери Находка порти причалидан бугун йўл олди. Унинг бортида СССР терма командаси боряпти. Команда классик ва эркин кураш бўйича жаҳон биринчилиги учун Иокогамада ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этади.

ТИНЧЛИКНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИГА УМИДЛАР

ВЕНА, 27 май. (ТАСС). СССРнинг Венадаги элчихонасига хатлар келиб турибди. Бу хатларда австрияликлар Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннеди ўртасида бўладиган учрашув АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни яхшилайди ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлайди, деб умид билдирмоқдалар.

Австрия матбуоти бу учрашувга илгаригидек ҳозир ҳам катта эътибор бермоқда. Бир ҳафтадан кейин, деб ёзади «Курир» газетаси, АҚШ президенти Жон Ф. Кеннеди билан СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев жаҳон проблемалари юзасидан ғайри расмий равишда фикр олишмоқ учун Венада учрашадилар. Бу учрашув том маъноси билан юксак даражадаги конференция бўлмайди. Лекин бу учрашув етакчи давлат арбобларининг учрашуви бўлганлиги сабабли учрашув натижалари жаҳондаги воқеалар жараёнига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, деб умид боғлашга асос бор. Учрашув қатнашчилари ҳамжиҳатликка эришиш мумкин бўладиган моддаларни қидириб топсалар, манфаатдор бошқа давлатларнинг раҳбар арбоблари ҳам иштирок этадиган юксак даражадаги навбатдаги, ҳақиқий конференция кескинликни чинакамига юмшатади ва тинчликни таъминлайди, деб умид боғласа бўлади.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

МОСКВА, 27 май. (ТАСС). Ҳиндистон - Совет маданий жамияти Лакнау шаҳри бўлимининг раиси Р. Н. Трипатхи бошчилигидаги Ҳиндистон-Совет маданий жамияти делегациясининг Москвада меҳмон бўлиб турган аъзолари бугун Чет эл мамлакатлари халқлари билан дўстлик уйида Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамиятининг активлари билан учрашдилар.

Совет жамиятининг президенти академик Н. В. Цицин ҳиндистонлик меҳмонларни табриклади.

Учрашув қатнашчилари иккала жамиятнинг иши юзасидан фикр олишиб, дўстона алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ҳақида истак билдирдилар. Ҳиндистон делегациясининг аъзолари, жумладан, Ҳиндистон халқларининг Совет Иттифоқига бўлган қизиқиши тобора ўсиб бораётганлигини қайд қилдилар.

Ҳиндистон делегацияси Совет Иттифоқи бўйлаб сафар қилиб Олмаота, Сталинобод, Тошкентга боради, бу ерда Совет-Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти бўлимларининг аъзолари билан учрашади, Ўрта Осиёдаги республикаларнинг ҳаёти билан танишади.

БАР ЭЛЧИСИ АНТУАН ГИЗЕНГАГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ

ПАРИЖ, 28 май. (ТАСС). Қоҳира радиосининг хабар қилишича, Бирлашган Араб Республикасининг Конгодаги элчиси Мамдух Гебба Стэнливилда Конго қонуний ҳукуматининг бошлиғи Антуан Гизенгага ишонч ёрлиқларини топширди.

АПФ агентлиги Қоҳира радиосининг хабарларига асосланиб билдиришича, элчи Бирлашган Араб Республикасининг ҳукумати ва халқи Антуан Гизенга бошчилигидаги Конго қонуний миллий ҳукуматини тамомила қўллаб-қувваталаганлигини айтган. М. Гебба А. Гизенга бошчилигидаги ҳукумат ҳамма ғовларни енгади ва ғалаба қозонади, деб ишонч билдирган.

УМУМИЙ МЕҲНАТ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ 33- СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ПАРИЖ, 28 май. (ТАСС). Париж атрофида жойлашган Иври деган саноат шаҳарчасида бугун Франция умумий меҳнат конфедерациясининг 33- съезди очилди. Съезд ишида мамлакатнинг ҳамма қисмларидан келган 1500 делегат қатнашмоқда. Умумий меҳнат конфедерацияси конфедерал бюросининг секретари Леон Мовэ «Ишчилар синфининг бирлиги, унинг талабларини қондириш учун, Жазоирда тинчлик учун, озодлик, тинчлик, қуролсизланиш учун кураши» деган темада доклад қилди. Съездда жаҳондаги бир қанча мамлакатлар касаба союзларининг делегациялари ва Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян иштирок этмоқдалар.

Съезд ўз ишини 2 июнгача давом эттиради.

СТИВЕНСОН ЖАНУБИЙ АМЕРИКАГА БОРАДИ

НЬЮ-ЙОРК, 29 май. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг хабар қилишича, президент Кеннеди АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Эдлай Стивенсон Жанубий Америка мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнаб кетади деган. Бу сафардан мақсад—«Америкааро ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг янги йўлларини» муҳокама қилишдан иборатдир. Стивенсон Жанубий Америкадаги ўн мамлакатга боради.

ИТАЛИЯ СЕНАТИДА

РИМ, 27 май. (ТАСС). Коммунист ва социалист сенаторлардан бир группаси Италия ўрта мактабларининг юқори синфларида рус тили ва адабиёти кафедрасини очиш ҳақидаги қонун лойиҳасини сенатга киритди.

Турин, Милан, Венеция, Генуя, Болонья, Флоренция, Рим, Неаполь, Бари ва Палермо шаҳарларидаги ўрта мактабларда, шунингдек рус тилини ўрганишга ҳавас бўлган бошқа ҳамма шаҳарларда ана шундай кафедралар очиш таклиф қилинади.

ТУРКИЯНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ

АНҚАРА, 27 май. (ТАСС). Таъсис мажлиси ва миллий бирлик комитетининг бугунги қўшма мажлисида тантанали вазиятда Туркиянинг янги конституцияси қабул қилинди. Конституция шу йил июнь ойида ўтказиладиган референдумга қўйилади ва халқ томонидан маъқуллангандан кейин кучга киради.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

⊙ СССР парламент группасининг Австрияда меҳмон бўлиб турган делегацияси 26 майда Венадан Штирия ўлкасининг маъмурий маркази—Грац шаҳрига жўнаб кетди.

⊙ СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио эшиттириш ва телевидение давлат комитети ходимлари делегацияси Пекиндан ватанига жўнаб кетди. Делегация Хитойда бўлган вақтида мамлакатда радио ва телевидениени ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан танишди ва Хитой томони билан музокаралар олиб борди, бу музокаралар натижасида радио ва телевидение соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида Совет—Хитой битими имзоланди.

⊙ Шимолий Ирландия Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири, 1960 йилгача партиянинг секретари бўлиб турган Шон Мэррей 67 ёшида Белфастда 26 май куни вафот этди.

⊙ Бухарестда 1961-1962 йиллар учун Румыния билан Куба ўртасида маориф, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш плани имзоланди. План ҳар иккала мамлакат ўртасида фан, маориф, санъат, адабиёт, матбуот, радио ва телевидение, спорт соҳасида кенг алоқалар олиб боришни кўзда тутади.

⊙ Польша билан Гана ўртасида олиб борилган музокаралар натижасида товар айирбошлаш ҳақида. Ганага Польша саноатининг машина-ускуналарини етказиб бериш ҳамда ҳар иккала мамлакат ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида битимлар имзоланди. Бу битимларга мувофиқ Польша Ганага 20 саноат объекти учун ускуна ва машиналар етказиб беради. Польша эса бу мамлакатдан марганец рудаси, какао, мойли уруғликлар ва бошқа маҳсулотлар харид қилади.

⊙ Бухарестдаги «Электроника» заводи дастлабки ватан телевизорларини кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Бу йил 20 минг телевизор ишлаб чиқарилади.

⊙ Ўтган ҳафта охирларида Американинг Холи-Лохдаги сув ости кемалари базаси яқинида ўтказилган намойишда қатнашган инглиз тинчлик тарафдорларидан 30 киши 16 июнда Дануна шаҳри (Шотландия) суди олдида жавоб бериши керак.

ЎЗБЕКИСТОН МЕВАСИ ВА САБЗАВОТИ ДЎСТЛАРИМИЗГА ЮБОРИЛМОҚДА

Тошкент аэродромидан «ТУ-104» самолёти шимол томон йўл олди. Самолётга Москва ва Иваново шаҳарларининг аҳолиси учун тўрт минг килограмм қулупнай ортилган эди.

— Бундай сафарлар тез-тез бўлиб турадими?—сўрадик биз диспетчер А. П. Трусовадан.

— Кеча беш марта, бугун олти марта жўнатдик. Қулупнай ортилган самолётлар Новосибирск шаҳрига, кўк пиёз ортилган самолётлар эса Свердловск шаҳрига йўл олди. Эртага қулупнай ва кўк пиёз ортиб жўнатиш учун 8 самолёт ажратиб қўйилди,—деб жавоб берди у, ва жилмайиб сўзида давом қилди:—Ҳа демай қулупнай, олма, анор, узум бизнинг асосий юкимиз бўлиб қолади дейишяпти. Бу ҳақда бизнинг мижозларимиз—савдо ташкилотлари яхшироқ ҳикоя қилиб берадилар.

Биз аэродромда бошланган суҳбатни Савдо министрлигида давом эттирдик.

— Колхоз ва совхозларнинг боғларида мўл-кўл мева ҳосили пишиб етилмоқда, деди савдо министри А. А. Саримсоқов.—Бу йилги мева ва сабзавот ҳосили аҳолига сотиш учун ҳам, саноатда қайта ишлаш учун ҳам, мамлакатнинг бошқа районларига жўнатиш учун ҳам бемалол етади. Шу ҳақда алоҳида гапириб ўтиш керак.

Сабзавот ва меваларни давлат йўли билан сотиш бир ярим баравар ошади. Тошкентнинг бир ўзидагина ҳар куни 300 автомашина сабзавот ва мева етказиб бериб турилишини айтишнинг ўзи кифоя қилади. Лекин биз, Ўзбекистон аҳолиси Урал, Сибирь, Узоқ Шимол ва бошқа районларнинг аҳолиси ана шундай маҳсулотларга эҳтиёж чекишларига қараб туришимиз мумкинми? Қардош республикалар саноат марказларининг болалар муассасалари, касалхоналари, ошхоналари сабзавот ва мевалар билан етарли таъминлаб турилиши ҳақида ғамхўрлик қилиш, Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулот москваликлар, ленинградликлар, свердловскликлар, кемеровоиклар, красноярскликлар, ивановоликларнинг дастурхонларини безаб туриши ҳақида ғамхўрлик қилиш бизнинг интернационал бурчимиздир.

Биз ўз имкониятларимизни чамалаб чиқиб, маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларига бирор зарар етказмасдан туриб, бу йил мамлакатнинг бошқа районларига сабзавот, мева, узум, полиз экинлари етказиб беришни икки баравар кўпайтиришга қарор қилдик. Бундай юкларни жўнатиш ҳозирдаёқ қизитиб юборилди. Шу кунларда биз Шимолга қулупнай ва кўк пиёз жўнатяпмиз, тез кунда эртаги карам жўната бошлаймиз. Сўнгра эса гилос, олча, помидор, олма, олхўри, узум, анор, ёнғоқ жўнатишга киришамиз.

Бу йилнинг хусусияти жўнатилаётган маҳсулотлар ҳажмининг кўпайишидагина эмас, балки маҳсулот етказиш суръатини тезлаштиришдан ҳам иборатдир. Масалан, карам ва помидор етказиб бериш планини июль ойигача тугаллашга қарор қилинди. Шундан кейин пландан ташқари юклар ортила бошланади. Олма етказиб бериш плани нуқул олманинг энг эрта пишар ва қимматли нави—оқ олма ҳисобига бажарилади. Буларнинг ҳаммаси шимолий районларнинг аҳолиси учун жўнатилади.

Биз бундай қимматли юкларни етказиб беришда транспортнинг ҳамма турларидан фойдаланамиз. Шу мақсад учун самолётлар, совутиш аппаратлари билан жиҳозланган махсус поездлар ажратилди.

Бутун республика қардош республикаларга сабзавот ва мева ҳосили жўнатишда қатнашмоқда. Ўзбекистоннинг узуми, олмаси, қовун-тарвузи, ўриги, шафтолиси, ноки, олхўриси дўстларимизга!

Е. ЕФИМОВ.

(ЎзТАГ мухбири).

АБАДИЙ МУЗЛИКЛАРДА

Қуёшли республикамизда иссиқ кунлар бошланди. Термометр симоби кундузи 38 даражагача кўтариладиган, кечалари эса 15-20 даражадан пасаймайдиган бўлиб қолди. Аммо республикамизда шундай жойлар ҳам борки, ҳатто ёз фаслида ҳам изғирин ва қор бўронлари аримайди. Фарғона водийси тоғларида ёки жазирама Сурхондарё областида ҳозир ҳам қиш кунларидагидай изғирин давом этаётгани ва қори эримай ётган жойлар борлигига ақл бовар қилмайди. У ерларда 10-15 даража атрофидаги совуқ тез-тез рўйхатга олиб турилибди.

Кўп йиллик кузатишлар бундай совуқ кунлар Мурғоб ва Қоракўл посёлкаларида, Помир ҳамда Тянь-шань тоғларининг Федченко ва Петров музликларида содир бўлганлигини аниқлади. Бу ерларда ёз жуда кеч бошланади. Илиқ кунларнинг бўлиши эса амри маҳол. Аксинча совуқ ва қор бўронлари деярли ҳар куни бўлиб туради. Федченко музлигидаги йиллик ўртача ҳарорат 7,2 даражани ташкил этади. Бу Шимолий муз океани қирғоқларидагидан анча пастдир.

Федченко ва Петров музликларидаги гидрометерология станциялари 1932 йилда — Иккинчи халқаро қутб йили ўтказилаётганида очилган эди. Бу ўтган давр ичида станциялар Помир ва Тянь-шань тоғлари музли районларининг ўзига хос иқлимини ўрганишда қимматли маълумотлар тўпладилар.

Федченко музлигидаги обсерватория Амударё манбаларида, Петров музлигидаги станция эса республикамиз ерларини суғоришда катта роль ўйновчи Сирдарё манбаси яқинида жойлашгандир. Мазкур станцияларда ўтказиладиган гидрометерологик кузатишлар келгуси йилда сувнинг кўп ё кам бўлишини олдиндан аниқлашга ёрдам берадики, бу сувни эҳтиёт қилиб сарфлашда катта аҳамиятга эга.

Федченко музлигидаги обсерватория денгиз сатҳидан 4200 метр баландликдадир. Унинг биноси паст температура ва қаттиқ шамоллар ҳисобга олинган ҳолда каттакон муз қоялари устига қурилган. Жанубий-ғарбдан афсонавий Кошолоёқ довони оша обсерватория томон кучли бўрон эсиб туради. Бундай ҳол, баъзан бир неча ҳафта давом этади. Ана шундай пайтда маълумот олиш учун метерология майдончасига чиқишнинг ўзи катта бир жасоратдир. Бундай шароитда қишловчилар олдиндан тортиб қўйилган симларни пайпаслаб приборлар олдига базўр бориб-келадилар.

Айниқса, Петров музлигидаги гидрометерология станциясида ёз фаслининг энг жазирама кунларида ҳам жуда совуқ бўлади. У денгиз сатҳидан 3600 метр баландда жойлашган. Бу ернинг қорли, бўронли қиши деярли саккиз ойга чўзилади.

Тянь-шань ва Помирдаги ҳар икки станцияда ҳам ёшлар ишлайди. Улар Қизил Армия сафидан қайтган жангчилар, радистлар, метерологлардир. Ўтган йили Тянь-шань обсерваториясида беш қиз ишлаган эди. Ҳозир у ерда Туапсе гидрометерология техникумини тамомлаган Юлия Константинова яшайди. Биз ҳар куни эшитаётган об-ҳаво маълумотларини ўша жасур қиз ВЛКСМ аъзоси Юлия Константинова тўплаб юбораётган бўлса ҳам ажаб эмас.

В. РАЦЕК.

СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.

СУРАТДА: Ю. Константинова.

Фото авторники.

ШАХМАТ

Халқаро турнир якунлари

Осиё мамлакатлари халқаро шахмат турнирининг охирги ўнинчи тури биринчи ўрин учун таъсир қилмаган бўлсада, иккинчи, учинчи ва қолган ўринларга муҳим тузатишлар киритди. Ханов (Туркманистон) — Голяк (Қозоғистон) ва Кудряшев (Туркманистон)—Муҳиддинов (Ўзбекистон)—партиялари диққат марказида бўлди. Кудряшевга қарши қора доналар билан ўйнаган Муҳиддинов партиянинг дебют қисмида ноаниқликларга йўл қўйиб, қийинчиликларга дуч келди. Кейин у ғайрат билан ўйнаб, аввал аҳволни бараварлаштиришга, сўнгра ташаббусни ўз қўлига олишга эришди. Муҳиддинов бир неча аниқ зарбалар бериб муҳим очкони қўлга киритди. СССР Қишлоқ шахматчилари чемпиони мастерликка кандидат Ханов (Туркманистон) билан қозоғистонлик мастерликка кандидат Голяк учрашувида Нимцович ҳимоясининг кескин вариантларидан бири қўлланди. Оқлар билан ўйнаган Ханов тезда устунликка эришди-ю, бироқ кейинчалик хатога йўл қўйиб ўз позициясига путур етказди. 9 соатлик кескин курашлар натижасида Голяк ғалаба қилди ва Хановга етиб олди.

Халқаро мастер Аарон (Ҳиндистон) Сейев (Туркманистон)нинг қилган ҳужумларини моҳирлик билан қайтаришга, сўнгра муваффақият қозонишга эришди. Халқаро гроссмейстер Холмов биринчи ўринни таъминлагани учун Нурмамедов билан бўлган учрашувини тезда дуранг қилди.

Шундай қилиб, Ашхободда бўлиб ўтган спорт курашларидан кейин биринчи ўринни ва «Совет Туркманистони» газетаси мукофотини тўққиз имкониятдан 7,5 очко тўплаган халқаро гроссмейстер Холмов олди. 6 очко олган мастер Муҳиддинов иккинчи ўринни ҳамда Туркманистон спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи республика Советининг мукофотини олишга муяссар бўлди. 5,5 тадан очко тўплаган мастерликка кандидатлар Ханов ва Голяк учинчи ва тўртинчи ўринларни, 4,5 тадан очко билан Аарон ва Жалолов бешинчи ва олтинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

М. МУҲИДДИНОВ,

«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

САЙРАМ ОПАНИНГ ТАКЛИФИ БИЛАН

— Сайрам опанинг таклифи тўғри, — деди раис. — Мактаб-интернат қуришимиз керак, унинг ёшларни замонамиз талабларига жавоб бера оладиган билимдон ва меҳнатсевар кишилар қилиб тарбиялашдаги роли катта. Лекин шуни ҳам унутмайликки, биринчидан, мактаб-интернат қуриш учун катта маблағ керак. Иккинчидан, қурилишни ҳозирдан бошлайдиган бўлсак, бир қанча кишини ғўза парваришидан олишга тўғри келади, бу ишга 3-4 автомашина ажратишимиз лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси ишимизга зарар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам қурилишни келгуси йил баҳорига қолдирсак деган таклиф бор. Сизлар нима дейсизлар?

Иккала таклиф правление аъзоларини ҳам, активларни ҳам ўйлатиб қўйди.

— Дарвоқе, — деди механизатор Абдураҳмон Олломуродов. — мактаб-интернат қурамиз деб тағин ғўза парваришини бой бериб қўймайлик. Мен раиснинг таклифига қўшиламан.

Мажлис қатнашчиларининг кўзи Сайрам опага тушди. У вазминлик билан ўрнидан турди.

— Эсингларда бор, ўтган йили ҳам шу таклифни киритган эдим, қабул қилинмади. Чунки у вақтда колхозда маблағ оз эди. Энди-чи? бултур 1900 гектар ерда пахтадан юқори ҳосил етиштирдик. Бўлинмас фондимизда салкам 4 миллион сўм пулимиз бор. Етарли даражада қурилиш материалларига эгамиз. Энди мактаб-интернат қурсак бўлади. Ишчи кучи-чи? Бунинг ҳам иложи бор. Ҳар бригада 5 тадан одам ажратса, 70 дан ортади. Қурилишга ажратилган одамларнинг ўрнини бригадаларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, барча колхозчиларнинг кундалик меҳнат нормасини ошириб бажаришларига эришиш йўли билан қоплаш мумкин.

2, 4 ва 9-бригада бошлиқлари сўзга чиқиб, Сайрам опанинг таклифини маъқуллашди. Кенгайтирилган правление мажлиси мактаб-интернат қуришни бошлаш, бунинг учун 3 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақида қарор қабул қилди.

...Қурилиш ишлари бошланиб кетди.

Ўша кезлари Сайрам опада тиним бўлмади. Эрталаб бригадасида, куннинг иккинчи ярмида қурилишда бўларди, етишмаган қурилиш материаллари учун гоҳ районга, гоҳ областга қатнарди. Қурувчиларнинг кунлик нормасини бажаришни талаб қилиш ҳам опанинг эътиборидан четда қолмади. Хуллас 6 ой ичида мактаб-интернат қурилиб ишга туширилди. Ҳозир бу ерда колхозчиларнинг 200 дан ортиқ фарзанди таълим олмоқда.

Опанинг таклифи билан колхозда фақат мактаб-интернат қурилгани йўқ. 100 ўринли болалар боғчаси, 50 ўринли доимий ясли, колхозни район билан боғлайдиган магистрал йўл, ва бошқа кўпгина қурилишлар ҳам шу ишчан аёлнинг таклифи ва ташаббуси билан бунёдга келди.

Меҳнаткашлар депутатлари Сурхондарё область Советининг депутати, Жарқўрғон районидаги «Меҳнат-роҳат» колхозининг 1-бригада бошлиғи ўртоқ Сайрам Сафарова ободончилик соҳасидагина эмас, колхозда пахтачиликни ривожлантиришда ҳам намуна кўрсатмоқда. У 1959 йилда бир неча йил ишлаб келган бригадасини шогирдларидан бирига топшириб, колхозда энг қолоқ ҳисобланган 1-бригадага ўтди. Бригаданинг қолоқлик сабабларини ўрганди. Ишчан бригадир раҳбарлигида бригадада меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Механизациядан унумли фойдаланилди. Илғорлар сафи ўсди. Чигит экиш ва ғўза парваришида илғор агротехника қоидаларига тўла амал қилинди. Натижада бригадада пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Ўртоқ Сафарова бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили 66 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ингичка толали пахта топширдилар. Гектаридан олинган ўртача ҳосил бир йил ичида 7 центнерга ошди. Бригада аъзолари бу йил 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун астойдил курашмоқдалар. Шу кунда ғўзалар иккинчи парваришдан чиқариляпти.

Ишчан аёл, уста пахтакор Сайрам Сафарова колхозчилар уйи қуриш тараддудида юрибди. Унинг бу ҳақдаги таклифини колхоз правлениеси ва колхозчиларнинг умумий йиғилиши маъқуллади. Яқин орада 25 колхозчи хўжалигига мўлжалланган 70 хонали уйга дастлабки ғиштлар қўйилади.

Д. ЮНУСОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

31 МАЙДА

19.00 — **Истиқбол эгалари** телевизион журнали, 19.50 — **Тозалик ва озодалик учун** (телевизион очерк), 20.00 — **Республикада хизмат кўрсатган механизатор бригадасида** (Ўзбек тилида телевизион очерк), 20.10 — О. Ёқубов асари **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим** (Ҳамза номли театр спектакли), танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V-да **Риголетто,** 31/V да **Сўна.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V-да **Мирзо Улуғбек,** 31/V да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ (Муқимий номли театрнинг қишки биносида) — **Лоҳутий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожик давлат академик драма театрининг хайрлашув гастроли** — 30/V да **Севганидан айрилмасин.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Сонин юлдуз — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ярим, кеч 8 ва 10 да).

Халқ уйғонмоқда — «ВАТАН» (эрталаб соат 11, кундуз 2 ва кеч 5 да), СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Бася жанжали — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Дуэль — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 яримгача), «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Машъум саёҳлик — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

105⁰/₀ гуноҳсиз — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8-40 ва 10-40 минутда).

Халқ уйғонмоқда — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 ва 10-40 минутда), «ШУҲРАТ» (кеч 9 ва 11 да), НАВОИЙ номли (кеч 9 яримда), ПУШКИН номли (кеч 10-10 минутда), «УДАРНИК» (кеч 9 дан).

Сонин юлдуз — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-50 минутда), «РАКЕТА» (кеч 9 ва 11 да).

Дуэль — КАФАНОВ номли (кеч соат 9 ва 10-50 минутда).

Бася жанжали — «ХИВА» (кеч соат 9 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-45 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 8-40 ва 10 яримда).

Машъум саёҳлик — «ХИВА» (кеч соат 11 да).

Тонгда сакраш — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8-45 минутда).

«Кобра» операцияси — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да).

Тинчиқ осмон — «САЛЮТ» (кеч соат 9 ва 11 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

30 майда

2 бўлимда

эстрада концерти

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев,** солистлардан **Жуманазар Бекжонов, Зайнаб Полвонова, Муҳаббат Мусаева, Малоҳат Дадабоева, Назрулла Ёқубов, Мунаввар Муқимова, Мунаввар Давлатова** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли **А. Ҳасанов** раҳбарлигида қатнашади.

Программани **М. Мусаева, Н. Ёқубовлар** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг илмий совети мажлисида (К. Маркс кўчаси, 35-уй, 133-аудитория) қуйидагилар

диссертация ёқлайдилар

В. И. Ёздонов — 1961 йил 8 июнь кундуз соат 4 да, химё фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун «Ўзбекистон лойларининг адсорбцион хусусиятлари» деган темада.

Ю. В. Шчунин — 1961 йил 8 июнь кундуз соат 3 да, тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон комсомоли — Улуғ Ватан уруши даврида Қизил Армиянинг орқа томонини мустаҳкамлашда Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

СССР Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари ва лабораторияларини лойиҳалаш Бутуниттифоқ институти

«ГИПРОНИИ» ЎРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИГА

филиал бош архитектори, иситиш ва вентиляцияга доир бош мутахассис ва лойиҳа бош инженери, инженер ва техниклар: конструкторлар, сантехниклар, технологлар, чертёжницалар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 26-уй. Телефон—32-380.

Редактор
З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334. 33262 Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 33469 Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036 Фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347 Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси
Р. 03956. Нашр. Б. 124.